2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 38 (294), 2021 йил 23 февраль, сешанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

# ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАР ОРТГА ҚАЙТМАЙДИ




**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ 22 ФЕВРАЛЬ КУНИ БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА КЕНГАШИ 46-СЕССИЯСИНИНГ ЮҚОРИ ДАРАЖАДАГИ СЕГМЕНТИ ИШИДА НУТҚ СЎЗЛАДИ.**

Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш фаолияти бутун дунё бўйлаб инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлашга қаратилган БМТ тизимидаги энг нуфузли ҳукуматлараро органлардан бири ҳисобланади.

Кенгашга 47 давлат аъзо. Ўтган йил октябрь ойида мамлакатимиз 2021-2023 йиллар даврига ушбу тузилма аъзоси этиб илк бор сайланди.

Коронавирус пандемияси муносабати билан кенгашнинг навбатдаги йиғилиши Женева шаҳрида видеоанжуман шаклида ўтказилди.

Йиғилиш кун тартибидан инсон ҳуқуқларига риоя этилиши ва уларни ҳимоя қилиш, жумладан, фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни таъминлаш билан боғлиқ энг долзарб масалалар ўрин олди.

Тадбирни БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссар Мишель Бачелет кириш сўзи билан очди.

Шундан сўнг йиғилиш раиси Нажот Шамим Хон қарийб 150 мамлакатдан давлат ва ҳукумат раҳбарлари, ташқи ишлар вазирлари, юқори даражадаги вакиллар қатнашган анжуман иштирокчилари орасида биринчи бўлиб Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевга сўз берди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида Ўзбекистоннинг демократик янгиланишлар жараёнини янада чуқурлаштиришнинг устувор йўналишлари, мамлакатимиз томонидан БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши билан ҳамкорликда бажарилиши режалаштирилган бир қатор долзарб масалаларга асосий эътиборни қаратди. Жумладан, Ўзбекистонда мажбурий меҳнат, айниқса, болалар меҳнати билан боғлиқ мавжуд муаммоларни бартараф этиш борасида амалга оширилган, халқаро жамоатчилик томонидан эътироф этилган ишларга алоҳида тўхталди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда айни йўналишдаги ислоҳотлар Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ва рағбатлантириш сиёсатига қатъий содиқлигини исботлайди. Президентимиз нутқи Ўзбекистон ўзи танлаган ташқи сиёсат асосида бундан кейин ҳам инсон ҳуқуқлари ҳимояси бўйича барча манфаатдор халқаро тузилмалар билан изчил ҳамкорликни давом эттиришга тайёр эканини яққол кўрсатди.

Давлатимиз раҳбарининг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши 46-сессиясидаги иштироки янги Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини таъминлашга асосий урғу берилаётганининг яққол исботи сифатида намоён бўлди. Шунингдек, Президентимизнинг қатъий сиёсий иродаси туфайли мамлакатимиздаги демократик янгиланишлар умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ тамойиллари ва меъёрларига тўла мос тарзда, халқаро ҳамжамият билан очиқ ва узвий ҳамкорликда амалга оширилаётганидан далолатдир.

**ЎзА**

# ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ БМТ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА КЕНГАШИНИНГ 46-СЕССИЯСИДАГИ НУТҚИ

**Ҳурматли раис Нажот Шамим Хон хонимлари!**

**Ҳурматли Олий комиссар Мишель Бачелет хонимлари!**

**Хонимлар ва жаноблар!**

Бугун Ўзбекистон Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш аъзоси сифатида ушбу учрашувда биринчи марта иштирок этмоқда.

Биз сўнгги йиллар давомида Кенгашга аъзо бўлиш учун бутун масъулиятни англаган ҳолда интилиб келганимизни таъкидламоқчиман.

Демократик ислоҳотларимиз янги Ўзбекистонни бунёд этишга қаратилган бўлиб, бу ўзгаришлар ортга қайтмайдиган тус олди.

Биз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг **“Инсон ҳуқуқлари йўлида ҳаракатга даъват”** ташаббусини илгари суриш учун Кенгаш аъзолари, барча шерикларимиз билан яқин ҳамкорликни давом эттирамиз.

**Ҳурматли анжуман иштирокчилари!**

Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва Кенгаш доирасидаги фаолиятимизнинг устувор йўналишлари қуйидагилардан иборат.

**Биринчидан, инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш Ўзбекистондаги ислоҳотларда энг муҳим ўринда туради.**

2030 йилгача мўлжалланган Барқарор ривожланиш мақсадлари мамлакатимизда ҳар бир инсоннинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашни кўзда тутадиган “ҳеч кимни эътибордан четда қолдирмаслик” тамойили асосида амалга оширилади.

Бу ўринда сўз Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссар бошқармаси экспертларининг фаол иштирокида ишлаб чиқилган Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий стратегияни амалга ошириш тўғрисида бормоқда.

**Иккинчидан, биз гендер сиёсати масалалари борасида мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ва ишбилармонлик соҳасида аёлларнинг ролини тубдан оширишга қаратилган ишларни қатъий давом эттирамиз.**

Жорий йилда Ўзбекистонда Марказий Осиё мамлакатлари етакчи аёлларининг мулоқоти ва хотин-қизларнинг минтақавий бизнес-форумини ўтказишни режалаштирмоқдамиз.

**Учинчидан, алоҳида эҳтиёжга эга бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлашга жиддий эътибор қаратилади.**

Яқинда Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги янги қонун кучга кирди. Ўзбекистон Парламенти Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни ратификация қилиши кутилмоқда.

Биз имконияти чекланган шахсларнинг ўз қобилиятини тўла рўёбга чиқариш масалалари бўйича Минтақавий кенгаш тузишни таклиф этамиз.

**Тўртинчидан, аҳолимизнинг ярмидан кўпини ташкил этадиган ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш доимо эътиборимиз марказида бўлиб келмоқда.**

Жорий йил Ўзбекистонда **Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили,** деб эълон қилинди.

Бу борада биз:

— Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида Ёшлар ҳуқуқлари бўйича бутунжаҳон конференциясини ўтказиш;

— БМТ Иқтисодий ва ижтимоий кенгашининг ўнинчи форумида Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция лойиҳасини тақдим этиш;

шунингдек, Ёшлар ҳуқуқлари бўйича махсус маърузачи институтини таъсис этиш масаласини киритишга тайёргарлик кўрмоқдамиз.

**Бешинчидан,** биз Халқаро меҳнат ташкилоти ва Жаҳон банки билан ҳамкорликда **мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатига барҳам бериш бўйича катта ишларни амалга оширдик.** Бу ислоҳотларимиздаги энг асосий ютуқларимиздан бири бўлди.

2021 йилда, яъни Болалар меҳнатига барҳам бериш халқаро йилида Болалар Омбудсмани тўғрисидаги қонунни қабул қиламиз.

**Олтинчидан, “Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим” декларациясининг 10 йиллигига бағишлаб биз Олий комиссар бошқармаси билан биргаликда глобал форум ўтказишни таклиф этамиз.**

Ўқитиш тизимини ривожлантириш мақсадида БМТнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Ихтиёрий бадаллар жамғармасига ўз ҳиссамизни қўшмоқчимиз.

**Еттинчидан,** Бош котиб Антониу Гутерриш Жаноби Олийларининг **фуқаролиги бўлмаган шахслар сонини камайтириш бўйича қатъий чоралар кўриш тўғрисидаги таклифини қўллаб-қувватлаймиз.**

Биргина ўтган йилнинг ўзида 50 минг нафар ватандошимиз Ўзбекистон фуқаролигига қабул қилинди, бу йил яна 20 мингдан зиёд киши фуқароликка эга бўлади.

**Хонимлар ва жаноблар!**

Биз эришган натижаларимиз билан кифояланиб қолмасдан, бундан буён ҳам **фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш, Ўзбекистонда сўз эркинлигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни қатъий мақсад қилганмиз.**

Шу аснода нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари тўғрисида кодекслар ишлаб чиқилмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг дин ёки эътиқод эркинлиги, судьялар ва адвокатлар мустақиллиги масалалари бўйича махсус маърузачиларининг тавсияларини алоҳида эътиборга олганмиз.

Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашга Судьялар кенгашлари фаолиятининг универсал принципларини ишлаб чиқиш масаласини кўриб чиқишни таклиф этамиз.

**Қийноқларнинг олдини олиш бўйича миллий превентив механизмни жорий этиш** доирасида биз одамнинг қадр-қимматини ерга урадиган, инсонийликка зид бўлган **қийноқларнинг ҳар қандай кўринишига бундан буён ҳам мутлақо йўл қўймаймиз.** Бундай жиноятлар қачон содир этилганидан қатъи назар, улар учун жазо муқаррардир.

Қийноқларга қарши конвенциянинг Факультатив протоколини ратификация қиламиз.

Мазкур масалалар юзасидан ҳамкорликда ишлаш мақсадида Қийноқлар масаласи бўйича махсус маърузачини Ўзбекистонга таклиф этишга тайёргарлик кўряпмиз.

**Ҳурматли йиғилиш иштирокчилари!**

**Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларига қатъий содиқ қолади.**

Шу билан бирга, биз инсон ҳуқуқлари борасида ҳали улкан йўлнинг бошида турганимизни яхши тушунамиз ва халқаро ҳамкорларимизнинг қўллаб-қувватлашига умид қиламиз. Шу муносабат билан Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссар Мишель Бачелет хонимларининг юртимизга ташрифини кутиб қоламиз.

Бу борада мандатга эга бўлган барча вакилларнинг Ўзбекистонга ташриф буюришлари учун доимий таклифнома юбориш ҳақида қарорни қабул қиламиз.

Шунингдек, Осиё қитъасининг инсон ҳуқуқлари бўйича минтақавий механизмини мунтазам фаолият кўрсатадиган платформа — Самарқанд форуми негизида яратиш борасида кўмак беришга тайёрмиз.

**Ҳурматли дўстлар!**

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 75 йиллик тарихи инсон ҳуқуқлари универсал қадрият эканини яққол исботлади. Бу устувор тамойилсиз ер юзида тинчлик, хавфсизлик ва барқарор тараққиётга эришиб бўлмайди.

Нутқимнинг якунида шуни яна бир бор таъкидлаб айтмоқчиман: **Ўзбекистон Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш аъзоси сифатида халқаро ҳуқуқнинг инсон ҳуқуқларига оид умумэътироф этилган принцип ва нормаларини қатъий ҳимоя қилади ва фаол илгари суради.**

Эътиборингиз учун раҳмат.

# НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ҲАМДА ГИДРОЭНЕРГЕТИКА ТАРМОҒИДАГИ ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ ТАҚДИМОТ ҚИЛИНДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 22 февраль куни Навоий вилоятида ҳамда гидроэнергетика тармоғида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари тақдимоти билан танишди.**

Навоий вилояти — саноатлашган ҳудуд. Тоғ-кон, кимё, қурилиш материаллари ва тўқимачилик тармоқлари вилоят иқтисодиётининг “драйвер”лари ҳисобланади. Бу ерда йилига 65 триллион сўмликдан зиёд саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

Жорий йилда Навоий вилоятида 576 та лойиҳа амалга оширилиши мўлжалланган. Уларнинг умумий қиймати 18 триллион 600 миллиард сўм. Соҳалар кесимида айтганда, лойиҳаларнинг 200 таси саноат, 179 таси хизмат кўрсатиш, 197 таси қишлоқ хўжалиги тармоқларида. Буларнинг натижасида қарийб 18 триллион сўмлик ишлаб чиқариш қуввати ташкил этилиб, 16 мингта иш ўрин яратилади. 123 миллион долларлик импорт ўрнини босувчи маҳсулот тайёрланиб, 125 миллион долларлик экспорт таъминланиши кўзда тутилган.

Хусусан, қурилиш материаллари тармоғида акрил тош, базальт панеллар, ёғоч толали плиталар, пол ва девор учун қопламалар, шиша маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Мисол учун, Зарафшон шаҳрида ойна корхонасини шу йил декабрда ишга тушириш режалаштирилган. Унда 350 киши меҳнат қилади.

Кимё саноатида 20 та лойиҳа шакллантирилган бўлиб, жорий йилда 9 таси фойдаланишга топширилади. Натижада талаб юқори янги маҳсулотлар ўзлаштирилиб, 430 дан зиёд кишининг бандлиги таъминланади.

Тўқимачилик тармоғидаги лойиҳалар ҳам истиқболли. Хусусан, жорий йилда барча шаҳар ва туманларда 28 та корхона ташкил этилиб, 5 минг 800 га яқин иш ўрни яратилиши режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари лойиҳаларни сифатли, илмий ёндашган ҳолда амалга ошириш, замонавий технологияларни жалб этиб, қўшимча қиймат яратиш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариб, экспортга йўналтириш юзасидан кўрсатмалар берди.

Ўзбекистон Президентининг 2017 йил 2 майдаги қарори билан 2017-2021 йилларда гидроэнергетикани янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури маъқулланган эди. Бу дастурга жами 3 миллиард 400 миллион долларлик 65 лойиҳа киритилган бўлиб, шундан 34 таси янги қувватлар ташкил этиш, 31 таси мавжудларини модернизация қилишга қаратилган. Бугунги кунда 1 минг 100 мегаваттлик 12 та лойиҳа ишга туширилган. 950 мегаваттлик яна 20 та лойиҳа якуний босқичда амалга оширилмоқда.

Жорий йилда умумий қиймати 1 миллиард 420 миллион доллар бўлган 16 та лойиҳа режалаштирилган. Хусусан, 11 та янги гидроэлектр станцияси қурилиб, 587 мегаватт электр қуввати яратилади. Қолган 5 та лойиҳага кўра, мавжуд станциялар модернизация қилиниб, ишлаб чиқариш имконияти кенгайтирилади.

Тақдимотда соҳани трансформация қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида ҳам маълумот берилди.

Президент лойиҳаларни яна бир бор қайта кўриб чиқиб, сифат жиҳатидан такомиллаштириш юзасидан кўрсатмалар берди.

**ЎзА**

МУНОСАБАТ

# ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ — ЭНГ ОЛИЙ ҚАДРИЯТ



*Танзила НОРБОЕВА,*
*Олий Мажлис Сенати раиси*

**Давлатимиз раҳбарининг БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши йиғилишидаги нутқини диққат билан тингладик. Айтиш керакки, мазкур кенгаш БМТ тизимида дунё бўйлаб инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлашга қаратилган энг нуфузли органлардан биридир. Кенгашга 47 та давлат аъзо. Кенгаш аъзолари уч йил муддатга яширин овоз бериш йўли билан сайланади.**

Давоми 2-бетда

МУНОСАБАТ

# ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ — ЭНГ ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Бошланиши 1-бетда

Ўтган йилда Ўзбекистон 2021-2023 йилларга ушбу тузилма аъзоси этиб илк бор сайланганини мамлакатимизда кейинги йилларда инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги ҳаётбахш ислоҳотларнинг муҳим эътирофи бўлди. Зеро, Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари бўйича 80 дан ортиқ халқаро ҳужжатга, жумладан, БМТнинг 6 та асосий шартномаси ва 4 та факультатив протоколига қўшилган.

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 22 июнда қабул қилинган фармони асосида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси ва уни амалга ошириш бўйича "йўл харитаси" тасдиқланди.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, сўз эркинлигини таъминлаш борасида муҳим чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Масалан, жиноят содир этган шахсларни афв этиш бўйича охирги йилларда 13 та фармон қабул қилиниб, 4 мингдан зиёд шахс жазони ўташ жойидан озод қилинди. Озодликдан маҳрум этилган шахсларга пенсия ва ижтимоий суғурта тўлаш тартиби биринчи марта амалиётга киритилди. Жаслиқ қўрғонидаги жазони ижро этиш колониясининг ёпилгани юртимиздаги инсонпарварлик сиёсатининг янада ёрқин ифодаси бўлди.

Сўнгги уч йилда 19 мингдан ортиқ, шунингдек, бир вақтнинг ўзида 1995 йилгача Ўзбекистонга келган ва шундан буён истиқомат қилаётган 50 мингга яқин юртдошимизга фуқаролик берилгани халқимиз томонидан ҳам, халқаро миқёсда ҳам катта олқишга сазовор бўлмоқда. Бундай хайрли ишлар бугунги кунда ҳам изчил давом этаётгани халқимизнинг жамиятимиздаги ислоҳотларга дахлдорлигини кучайтирмоқда. Юртимизда яратувчилик, бунёдкорлик, ташаббускорлик, тинчлик муҳити мустаҳкамланмоқда.

Жаҳоннинг нуфузли халқаро минбари — БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши йиғилишида давлатимиз раҳбарининг нутқ сўзлаши мамлакатимизда эришилаётган ана шундай муҳим ютуқлар халқаро ҳамжамиятнинг доимий эътиборида экани ва қизғин қўллаб-қувватланиши эътирофи, десак муболаға бўлмайди. Қолаверса, бу Президентимизнинг инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги юксак сиёсий иродасидан ҳам далолатдир.

**Яна бир жиҳат — 160 дан ортиқ мамлакат президентлари, ҳукумат раҳбарлари, йирик халқаро ташкилотлар раҳбарлари иштирок этган ушбу халқаро тадбирда айнан Ўзбекистон Президентининг биринчи бўлиб сўзга чиқиши халқаро ҳамжамиятнинг давлатимиз етакчисига, халқимизга, жонажон Ўзбекистонимизга бўлган юксак ҳурмат ва эътиборининг ёрқин ифодаси бўлди. Президентимиз бу гал ҳам ўз нутқини ўзбек тилида баён этди. Бу она тилимизнинг халқаро юксак минбарлардан иккинчи бор жаранг сочиши бўлди. Буни кўриб қалбимизда ғурур ва ифтихор туйғуси яна бир бора жўш урди, кўнглимиз осмон қадар юксалди.**



Мазкур анжуманда давлатимиз раҳбари инсон ҳуқуқлари соҳасида энг долзарб бўлган муҳим масалаларга тўхталиб ўтди ва қатор ташаббусларни илгари сурди.

**Биринчи масала** — Ўзбекистон Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишнинг қатъий тарафдоридир. Мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислоҳотлар, халқаро майдонларда илгари сурилаётган таклиф ва ташаббуслар Барқарор ривожланиш мақсадларининг **"Ҳеч кимни эътибордан четда қолдирмаслик"** тамойили билан ҳамоҳангдир.

Президентимизнинг 75-сессияда Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш ва инсон ҳуқуқларини таъминлашда парламентлар ролини ошириш тўғрисида БМТ Бош Ассамблеясининг махсус резолюциясини қабул қилиш тўғрисидаги таклифи Ўзбекистоннинг глобал ва минтақавий кун тартибини шакллантиришда фаол иштирокчига айланиб бораётганидан далолатдир.

Давлатимиз раҳбари Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда парламентнинг роли ҳақида доимий равишда таъкидлаб келади. Жумладан, Сенатнинг биринчи мажлисидаги нутқида ҳам Барқарор ривожланиш мақсадларини бажариш бўйича тасдиқланган индикаторларга эришилиши устидан Сенат доимий мониторинг олиб бориши мақсадга мувофиқлиги юзасидан тегишли таклифлар берган эди. Шу боис, барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларнинг изчил амалга оширилиши устидан доимий назорат юритиш мақсадида парламент комиссияси ташкил этилди.

Комиссия аъзолари иштирокида Ўзбекистоннинг Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга оширишга доир биринчи ихтиёрий миллий шарҳи лойиҳаси ишлаб чиқилди ва мамлакатимиз илк маротаба барқарор ривожланиш бўйича олий даражадаги сиёсий форумга ушбу шарҳни тақдим этган 49 та давлат сафидан жой олди.

Шунингдек, барқарор ривожланиш соҳасидаги озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ҳамда гендер тенгликни таъминлаш ва хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юзасидан республиканинг 7 та ҳудудида ўрганишлар ўтказилди. Шу ўрганиш доирасида 3 та миллий мақсад, унинг 30 та вазифаси ҳамда 55 та индикатор қамраб олинди. Ўрганиш натижалари парламент комиссияси мажлисида муҳокама қилиниб, ҳукумат олдига аниқ вазифалар қўйилди. Бу ишларнинг мантиқий давоми сифатида жорий йилда Бухоро шаҳрида "Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда парламентлараро глобал ҳамкорлик" мавзуида халқаро форум ўтказилиши режалаштирилмоқда.

Барқарор ривожланишга эришиш мақсадида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар халқаро рейтинг агентликлари томонидан ҳам муносиб баҳолаб келинмоқда. Хусусан, Бертельсман жамғармасининг 2020 йилги ҳисоботида Ўзбекистон Барқарор ривожланиш мақсадлари кўрсаткичларига эришиш бўйича 193 та мамлакат орасида 66-ўринни эгаллаган. Бундай натижага эришиш самараси сифатида камбағал аҳоли улушининг 2015 йилдаги 13 фоиздан 2018 йилда 11 фоизгача камайгани, болаларни мактабгача таълим билан қамров даражаси 2017 йилдаги 28 фоиздан 2019 йилда 52 фоизга ошгани эътироф этилган.

**Иккинчи масала** гендер сиёсатига тааллуқли бўлиб, бу борада мамлакатимизда мустаҳкам ҳуқуқий асослар яратилди. Барча соҳаларда хотин-қизлар манфаатларини таъминлаш йўналишидаги ишларимиз халқаро миқёсда муносиб тан олинмоқда. Мисол учун, Халқаро парламентлараро ассамблея бош котиби Мартин Чунгонг Ўзбекистон тажрибаси бошқа давлатлар учун намуна бўлишини таъкидлади. 2021 йилда Марказий Осиё мамлакатларининг етакчи аёллари мулоқотига раислик қилиш Ўзбекистонга топширилишини ҳам мамлакатимизда гендер сиёсати тўғри йўналишлар асосида юритилаётганидан далолат беради.

**Учинчи масала** — Президентимиз ўз нутқида ёшлар масаласига алоҳида тўхталди. Жорий йилнинг "Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили" деб эълон қилиниши бежиз эмас. Болалар омбудсмани институти фаолияти янада такомиллаштирилиб, ҳозирги кунда бу борада қонун ҳам ишлаб чиқилмоқда.

Президентимиз БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясида Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни қабул қилиш таклифини илгари сурган эди. Бугунги чиқишда эса Ёшлар ҳуқуқлари бўйича махсус маърузачи институтини таъсис этиш таклифини билдирди. Бу орқали ёшлар масалаларини БМТнинг юқори минбарларида доимий равишда муҳокама қилиб бориш имконияти яратилади.

**Тўртинчи масала** — коррупцияга қарши курашиш долзарб экани қайд этилди. Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 29 июндаги фармони билан ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши бу йўналишда катта қадам бўлгани ҳамда бугунги кунда бу тузилмалар томонидан бир қатор ишлар амалга оширилаётгани алоҳида таъкидлаб ўтилди. Миллий кенгаш иш режасига мувофиқ, коррупцияга қарши курашиш бўйича турли йўналишларда аниқ чора-тадбирлар белгиланди, бир қатор мутасадди идоралар раҳбарларининг ахборотлари эшитилди. Сингапур, Жанубий Корея ва Словениянинг коррупцияга қарши курашиш соҳасида фаолият юритаётган уч нафар етакчи экспертини Коррупцияга қарши курашиш агентлигига маслаҳатчи сифатида жалб этиш бўйича келишувга эришилди.

Коррупцияга қарши курашиш тизими самарадорлигига эришиш, мамлакатнинг халқаро майдондаги ижобий обрў-эътиборини ошириш мақсадида соғлиқни сақлаш, қурилиш, олий ва ўрта махсус таълим ва давлат харидлари соҳаларида "Коррупциясиз соҳа" лойиҳасини амалга ошириш учун ишчи гуруҳлар тузилиб, уларнинг таркиби тасдиқланди ҳамда вазифалари белгилаб олинди.

**Коррупциянинг мавжуд ҳолатини ўрганувчи халқаро ташкилот — Transparency International 2019 йилда эълон қилган индексда Ўзбекистон 180 та давлат орасида 153-ўринни эгаллаган бўлса, 2020 йилда 7 поғона кўтарилиб, 146-ўриндан жой олди. Коррупцияга қарши курашиш халқаро стандартларини Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига имплементация қилишни давом эттириш бўйича "йўл харитаси" тасдиқланди.**

Коррупцияга қарши курашиш ҳар бир фуқаронинг, барчамизнинг бирдек вазифамиз экан, бу борада жамоатчилик роли муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун бу йўналишдаги дастурларни амалга оширишда фаол иштирок этиш мақсадида агентлик ҳузурида Жамоатчилик кенгаши ташкил этилди.

Кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш учун ўтказиладиган танловларни интернет тармоғида мажбурий равишда онлайн трансляция учун алоҳида хоналар ажратиш ва жиҳозлаш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Шу билан бирга, Миллий кенгаш низоми, 2021-2025 йилларга мўлжалланган миллий стратегия ва Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2021-2022 йилларга мўлжалланган Давлат дастури лойиҳалари ишлаб чиқилиб, муҳокама этилмоқда.

**Бешинчиси** — алоҳида эътиборга молик, имконияти чекланган, ногиронлиги бор фуқаролар масаласи. Президентимиз ўз чиқишида Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг парламент томонидан ратификация қилиниши кутилаётганини алоҳида қайд этиб ўтди. Мамлакатимизда мазкур конвенцияни ратификация қилиш учун ҳуқуқий асослар такомиллаштирилди. Ўтган йили "Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида"ги қонун қабул қилинди. 2021 йилги Давлат дастурида ҳам ушбу тоифадаги инсонларнинг ижтимоий ҳимояси йўналишида қатор чора-тадбирлар белгиланди. Ногиронликни белгилашнинг жаҳон андозаларига мос ижтимоий моделига босқичма-босқич ўтилмоқда ва, энг асосийси, бу йўналишдаги ислоҳотларимиз ортга қайтмас тус олди.

**Олтинчи масала** — мамлакатимизда болалар ва мажбурий меҳнат бартараф этилгани таъкидлаб ўтилди. Бу борада охирги 4 йил ичида биз мисли кўрилмаган натижаларга эришдик. Яъни юртимизда болалар ва мажбурий меҳнатга батамом чек қўйилди. Аҳолини эркин, муносиб меҳнат билан таъминлаш қишлоқ хўжалигини модернизациялаш, меҳнат соҳасига бозор иқтисодиёти ва стандартларини жорий этиш ишлари билан биргаликда олиб борилмоқда. Бу ишларимиз Халқаро меҳнат ташкилоти Бош директори Гай Райдер томонидан 2020 йилда ўтказилган халқаро мониторинг гуруҳи экспертлари томонидан эътироф этилди.

Биргина 2020 йилнинг ўзида мамлакатимизда одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш йўналишидаги вазифаларни тартибга солиш мақсадида 19 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди. Энг асосийси, мажбурий меҳнатга барҳам бериш мақсадида Ўзбекистон қонунчилигига маъмурий жавобгарликни кучайтирувчи ҳамда жиноий жавобгарликни белгиловчи меъёрлар киритилди. Жумладан, Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, болалар меҳнатига йўл қўйган шахсларга жиноий жавобгарлик белгиланди.

Бундан ташқари, хорижий давлатларда меҳнат фаолиятини амалга ошириш истагида бўлган фуқаролар учун қулай шарт-шароитлар яратиш, одам савдосидан жабрланган фуқароларимизнинг ҳуқуқлари ва уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида мавжуд қонун ҳужжатлари такомиллаштирилди.

Булардан ташқари, Президентимиз томонидан мазкур нуфузли анжуманда ҳуқуқлари бўйича таълимни кучайтириш, фуқаролиги бўлмаган шахслар сонини камайтириш, фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш, сўз эркинлигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, судьялар мустақиллигини таъминлаш, уларнинг ишлаш механизмларини такомиллаштириш борасида бир қатор муҳим ташаббуслар илгари сурилди. Бундан ташқари, қийноқларнинг ҳар қандай кўринишига мутлақо йўл қўймаслик, Қийноқларга қарши конвенциянинг факультатив протоколини ратификация қилиш, БМТнинг қийноқлар бўйича махсус маърузачисини Ўзбекистонга таклиф этиш каби долзарб масалалар бўйича сўз юритилди.

Умуман олганда, давлатимиз раҳбарининг мазкур анжумандаги нутқида айтилган ҳар бир фикр-мулоҳаза, таклиф ва ташаббуслар нафақат юртдошларимизни, балки халқаро ҳамжамиятни ҳам тўлқинлантириб юборгани табиий. Зеро, унда нафақат халқимизнинг, балки бутун инсониятнинг фаровон келажагига хизмат қиладиган муҳим мақсад ва вазифалар ўз ифодасини топди.

Шу боис, маърузада илгари сурилган ғоя ва ташаббуслар, мақсад-вазифаларни рўёбга чиқариш биз — парламент аъзолари, ҳукумат вакиллари, маҳаллий ҳокимликлар зиммасига улкан масъулият юклайди. Эндиликда барчамиз баҳамжиҳат бўлиб, бир ёқадан бош чиқариб, аниқ режа ва йўналишларни белгилаб олиб иш юритсак, бу борада кўзлаган мақсадларимизга албатта, эришамиз.

"ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН" УЧУН МАХСУС

**ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ТОМОНИДАН БМТ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА КЕНГАШИНИНГ 46-СЕССИЯСИДА ИЛГАРИ СУРИЛГАН ТАШАББУСЛАР ХАЛҚАРО ЭКСПЕРТЛАР ҲАМЖАМИЯТИ ВАКИЛЛАРИ ТОМОНИДАН ЭЪТИРОФ ЭТИЛИБ, ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА.**

# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИНИ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ФАОЛ ҲИМОЯ ҚИЛИШГА ЧАҚИРМОҚДА

**Тугрул ЧАМАШ, сиёсатшунос, Анқара AnkaSAM таҳлилий марказининг халқаро шарҳловчиси (Туркия):**

— Ўзбекистон раҳбарининг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Кенгашининг юқори минбаридан сўзлаган нутқи нафақат мамлакатнинг фаол ташқи сиёсати ҳамда БМТ билан олий даражадаги алоқаларининг мантиқий давоми, балки инсон ҳуқуқларини таъминлаш бўйича глобал шерикликни кенгайтиришга қўшимча туртки беришга қаратилган янги қадамидир. Мазкур тадбирнинг Ўзбекистон учун тарихий аҳамияти шундаки, мамлакат инсон ҳуқуқлари соҳасидаги нуфузли халқаро институтда биринчи марта олий даражада иштирок этмоқда.

Очиғини айтганда, бундан бир неча йил аввал Ўзбекистон Президентининг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашида нутқ сўзлаб, инсон ҳуқуқлари ҳимояси бўйича фаолиятни янада фаоллаштиришга ундашини тасаввур қилиш қийин эди. Бугун Президент Шавкат Мирзиёев айнан шундай қилди ва бутун дунёни инсон ҳуқуқларини таъминлаш соҳасида янада самарали қадамлар қўйишга чақирди! Шу билан бирга, унинг ўзи ҳам мазкур масалада ўрнак кўрсатиб, Ўзбекистонда мисли кўрилмаган ислоҳотларни ҳаётга татбиқ этмоқда.

Давлат раҳбари ўз нутқида мамлакатда демократик ўзгаришларни чуқурлаштириш ва Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш доирасидаги фаолиятнинг устувор йўналишлари ҳақида батафсил маълумот берди. 2020 йил ёз фаслида Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари бўйича миллий стратегиясини тасдиқлади. Кўриниб турибдики, республика кенг миқёсли ислоҳотларни давом эттириш ва бутун дунёда инсон ҳуқуқлари ривожланишига ҳисса қўшишга содиқ қолмоқда.

Агар биз Ўзбекистон тараққиётидаги ушбу тенденцияни таҳлил қилсак, у давлат раҳбари томонидан 2016 йил эълон қилинган ислоҳотлар кун тартибига мос келишини кўришимиз мумкин. Ўзбекистон фуқароларни пахта теримига мажбуран сафарбар этишга барҳам берди, маҳбусларни озод қилиш борасида сезиларли ютуқларга эришди, ҳуқуқни қўллаш амалиёти модернизация қилинди.



Президент Шавкат Мирзиёев миллий иқтисодиётни тикламоқда, мамлакатнинг халқаро майдондаги ролини оширишга муваффақ бўлди.

Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида инсон ҳуқуқлари соҳасида қўлга киритилган ютуқлар халқаро шериклар ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ташкилотлари томонидан ижобий қабул қилинди. Ўтган йил октябрь ойида Ўзбекистон биринчи марта ушбу нуфузли халқаро тузилманинг аъзоси этиб сайланди.

Шуни таъкидлаш керакки, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши мақоми бўйича мазкур халқаро ташкилотнинг Хавфсизлик кенгаши ҳамда Иқтисодий ва Ижтимоий кенгаши билан тенг даражага эга. Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш БМТ тизимининг бутун дунё бўйлаб инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган энг нуфузли ҳукуматлараро органларидан биридир. Унинг таркибига 47 аъзо давлат киради. БМТнинг барча аъзо давлатлари Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши фаолиятида қатнашади, бироқ унинг қарорлари фақат Кенгашга аъзо бўлган мамлакатлар томонидан қабул қилинади. Назарий жиҳатдан, барча давлатлар Кенгашга аъзо бўлиши мумкин — бунинг учун сайловда камида 97 та овоз тўплаш керак. Ўзбекистон ўтган йилги сайловда Осиё-Тинч океани минтақавий гуруҳида энг кўп — 169 та овоз олди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг инсон ҳуқуқлари бўйича энг йирик тузилмасига Ўзбекистоннинг сайланиши мамлакатнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини изчил мустаҳкамлаш ва ҳимоя қилиш борасидаги ютуқларининг эътирофи ҳамда ушбу соҳада фаол халқаро ҳамкорликка қатъий содиқ эканининг ёрқин далили бўлди.

**Валлаба САРАДАПРАБА, Таиланд инсон ҳуқуқлари бўйича миллий комиссияси Халқаро бюроси директори:**

— 2020 йилнинг октябрь ойида Таиланд БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига сайловда Ўзбекистон номзодини қўллаб-қувватлаш тўғрисида қарор қабул қилганида ушбу позициямиз халқаро даражада инсон ҳуқуқларини ривожлантиришда мамлакатга бўлган ишончимизга асосланган эди.

Сўнгги 5 йил давомида Ўзбекистон халқаро ҳуқуқ, жумладан, инсон ҳуқуқларига риоя этиш ва уларни ҳимоя қилиш масалаларига содиқлигини намойиш этиб келмоқда. Шунингдек, миллий даражада ва халқаро майдонда ушбу соҳада амалий ташаббусларни илгари сурмоқда.

Ўзбекистоннинг ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган "Маърифат ва диний бағрикенглик" резолюцияси ва бошқа янги ташаббуслар замирида Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш устувор вазифалардан бирига айланганини яққол намоён бўлмоқда.

Шу сабабли Ўзбекистон Президентининг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш аъзоси сифатидаги бугунги нутқи бутун дунёдаги, шу жумладан, Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларидаги ҳамкорлар билан биргаликда Ўзбекистоннинг Кенгаш миқёсида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва тарғиб қилишдан манфаатдорлигини яна бир бор тасдиқлади, деб ҳисоблайман.

Таиланд инсон ҳуқуқлари бўйича миллий комиссияси ўзбекистонлик ҳамкасблари билан инсон ҳуқуқлари, шу жумладан, аёллар, болалар ва меҳнат мигрантлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ҳамкорликни ривожлантириш ва чуқурлаштиришдан манфаатдорлигини билдирамиз.

**"Дунё" АА**

МУНОСАБАТ

# “ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ЙЎЛИДА ҲАРАКАТГА ДАЪВАТ”

## Ўзбекистон БМТнинг ушбу ташаббуси доирасида халқаро ҳамкорликни изчил давом эттиради

**“Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 75 йиллик тарихи инсон ҳуқуқлари универсал қадрият эканини яққол исботлади. Бу устувор тамойилсиз ер юзида тинчлик, хавфсизлик ва барқарор тараққиётга эришиб бўлмайди”.**

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**



***Акмал САИДОВ,***
***Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори***




**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 22 февраль куни Женева шаҳрида ўз ишини бошлаган БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши 46-сессиясининг Юқори даражадаги сегментида сўзлаган нутқида биз сўнгги йиллар давомида кенгашга аъзо бўлиш учун бутун масъулиятни англаган ҳолда интилиб келганимизни алоҳида таъкидлади. Давлатимиз раҳбари қайд этганидек, “Демократик ислоҳотларимиз янги Ўзбекистонни бунёд этишга қаратилган бўлиб, бу ўзгаришлар ортга қайтмайдиган тус олди”.**

Ўзбекистон илк бор БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг аъзоси сифатида 2021 йил 1 январдан ўз вазифаларини бажаришга киришди. Анъанага кўра, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг баҳорги сессияси доирасида 22-24 февраль кунлари Женева шаҳрида бўлиб ўтаётган Юқори даражадаги сегмент ишида Президентимиз кенгашга аъзо давлат раҳбари сифатида биринчи марта иштирок этди ва сўзга чиқди.

Сегмент мажлисидан кўзланган мақсад дунё мамлакатларида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шунингдек, ушбу соҳада халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши механизмлари ва тартиб-таомилларини мустаҳкамлашнинг долзарб масалаларини юқори сиёсий даражада муҳокама қилишдан иборат.

Юқори даражадаги сегмент Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашнинг йил давомидаги энг асосий сиёсий тадбири ҳисобланади. Мазкур сегмент БМТга аъзо мамлакатларнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини рағбатлантириш ҳамда ҳимоя қилиш масалалари бўйича умумий ва ўзаро мутаносиб ёндашувларини ишлаб чиқиш ва келишиб олиш механизми сифатида тузилган.

Коронавирус пандемияси сабабли кенгашнинг навбатдаги йиғилиши видеоанжуман шаклида ўтказилди. Йиғилиш кун тартибидан инсон ҳуқуқларига риоя этилиши ва уларни ҳимоя қилиш, шу жумладан, фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни таъминлаш билан боғлиқ энг долзарб масалалар ўрин олди.

Тадбирда БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш, Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссар Мишель Бачелет, қарийб 150 мамлакатдан давлат, ҳукумат раҳбарлари, ташқи ишлар вазирлари ва инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар намояндалари, бир қатор халқаро ва минтақавий ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон Президенти ўз чиқишида мамлакатимизда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши доирасидаги фаолиятимизнинг устувор йўналишлари ҳақида атрофлича тўхталди.

### БИРИНЧИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШ: “ҲЕЧ КИМНИ ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛДИРМАСЛИК” ТАМОЙИЛИГА АМАЛ ҚИЛИШ

Кейинги йилларда Ўзбекистон инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида бир қанча муҳим натижаларга эришди. Хусусан, 2020 йил 13 октябрь куни БМТ Бош Ассамблеяси сессиясида бўлиб ўтган сайловда Ўзбекистон миллий давлатчилигимиз тарихида илк бор БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши аъзолигига 2021-2023 йилларга сайланди.

Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, **“инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш Ўзбекистондаги ислоҳотларда энг муҳим ўринда туради”.** Шу маънода, БМТнинг 2030 йилгача мўлжалланган Барқарор ривожланиш мақсадлари мамлакатимизда **“Ҳеч кимни эътибордан четда қолдирмаслик”** тамойили асосида амалга оширилмоқда.

Юртимизда ҳар бир инсоннинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари бошқармаси экспертлари иштирокида ишлаб чиқилган Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегияси доирасида амалга оширилаётган қамровдор ишлар самаралари бунга яққол мисол бўла олади.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2020 йил 22 июнда қабул қилинган Миллий стратегия мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмини такомиллаштириш ва инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантиришда катта аҳамият касб этмоқда. Ушбу ҳужжатда инсон ҳуқуқлари масаласига тизимли ёндашиш ва мавжуд бўшлиқларни, камчиликларни бартараф этиш очиқ-ойдин кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши ва Сенати Кенгаши 2020 йил 25 сентябрда қабул қилган қўшма қарор билан **Инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларига риоя этилиши бўйича парламент комиссияси тузилди** ва унинг таркиби ҳамда регламенти тасдиқланди. Парламент комиссиясининг асосий мақсади инсон ҳуқуқлари соҳасида мамлакатимизнинг халқаро мажбуриятларига риоя этилишига ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегиясини амалга оширишга кўмаклашишдан иборат.

Соҳадаги яна бир муҳим натижа: Президентимизнинг 2020 йил 22 июндаги фармонига кўра, **“Инсон ҳуқуқлари ҳимояси учун” кўкрак нишони таъсис этилди.**

Ушбу кўкрак нишони билан илк бор инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишдаги хизмати, инсон ҳуқуқларини тарғиб қилишдаги фаоллиги, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим, ёшлар ўртасида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш анъаналарини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ташкилотларни ривожлантириш ва бошқаришдаги салмоқли ютуқлари, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги самарали илмий фаолияти учун Ўзбекистон Республикасининг бир гуруҳ фуқаролари ҳамда чет эллик икки фуқаро тақдирланди.

Эътибор беринг: ҳар 5 йилда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси эълон қилинган кун — 10 декабрда БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича мукофотини топшириш маросими бўлиб ўтади. Ушбу мукофот 1966 йилда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга улкан ҳисса қўшган инсонларни тақдирлаш учун ташкил этилган.

Эндиликда Ўзбекистон ҳам инсон ҳуқуқлари бўйича ўз мукофотини таъсис этди. 2020 йилдан эътиборан **ҳар йили 10 декабрь — Халқаро инсон ҳуқуқлари кунида “Инсон ҳуқуқлари ҳимояси учун” кўкрак нишони совриндорлари тантанали равишда тақдирлаб борилади.**

Шу тариқа мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларни миллий қонунчилик ва ҳуқуқ амалиётида қўллаш халқ учун фаровон ва муносиб турмуш шароитини яратишга йўналтирилган демократик ислоҳотларнинг асосий мезонига айланди. Бугунги кунда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасида Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган 80 дан ортиқ халқаро ҳужжатдаги нормалар миллий қонунчиликда ўз ифодасини топмоқда.

Буларнинг барчаси, шубҳасиз, инсон ҳуқуқлари соҳасида узоқ муддатли стратегиянинг қабул қилиниши туфайли ушбу соҳада давлат сиёсати самарали юритилаётганидан далолат беради. Бу, ўз навбатида, жамиятимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига ҳурмат муносабати шаклланишига, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрўси янада мустаҳкамланишига, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий рейтинг ҳамда индекслардаги мавқеи яхшиланишига хизмат қилмоқда.

### ИККИНЧИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШ: ГЕНДЕР СИЁСАТИНИ ҚАТЪИЙ ДАВОМ ЭТТИРИШ

Мамлакатимизда фаол гендер сиёсати доирасида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий мавқеини мустаҳкамлаш бўйича жадал иш олиб борилмоқда. Давлатимиз раҳбари БМТ Бош Ассамблеяси 75-юбилей сессиясида қайд этганидек, **“Биз учун гендер тенглик сиёсати устувор масалага айланди. Хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги ўрни тобора кучаймоқда. Янги парламентимизда аёл депутатлар сони икки бароборга кўпайди”.**

Ҳақиқатан ҳам, Олий Мажлисга бўлиб ўтган охирги сайлов натижасида биринчи маротаба Ўзбекистон парламентида аёллар сони бўйича БМТ тавсиялари (камида 30 фоиз) тўлиқ бажарилди. Қонунчилик палатасига 32 фоиз, яъни 48 нафар аёл-депутат сайлангани, ўз навбатида, **Ўзбекистон парламентининг дунёдаги 190 парламент ичида 37-ўринга кўтарилишини таъминлади.**

Ваҳоланки, 2014 йилда бу кўрсаткич бўйича мамлакатимиз 128-ўринда эди. Яъни илгари биз учун гендер тенглик масаласи устувор эмасдек туюлган. Оқибатда биз бу борада анча ортда қолиб кетдик. Кейинги даврдаги таҳлиллар асосида хотин-қизларнинг жамиятимизда тутган ўрни ва нуфузи, уларнинг бошқарув идораларидаги иштироки мутлақо қониқарсиз аҳволда экани аён бўлди.

Шунинг учун охирги 4 йилда мамлакатимизда 2 та муҳим қонун — **“Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги ва “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинди.** 2020 йилнинг ўзида Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ҳукумат ва жамиятдаги ролини оширишга, уларнинг бандлигини таъминлашга, аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришга ва муҳтож аёлларни қўллаб-қувватлашга қаратилган 15 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган.

Шу асосда кенг кўламли ишлар қилинмоқда. Айтайлик, бир томондан, зўравонликдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш бўйича жойларда махсус марказлар ташкил этилиб, аёлларга махсус “ҳимоя ордери” бериляпти. Иккинчи томондан, бугунги кунда опа-сингилларимиз давлат бошқаруви идораларида самарали фаолият юритмоқда. Натижада **бошқарув лавозимларида аёлларнинг улуши 26,6 фоизга етказилди.**

Ўтган йилдан бошлаб давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ижтимоий ҳимояга муҳтож қизларнинг билим олиш имкониятлари янада кенгайтирилиб, олий таълим муассасаларига 4 фоизли давлат грантлари ажратилди. Мазкур янги тизим асосида 2020 йилда ижтимоий ҳимояга муҳтож 950 нафар қиз ўқишга қабул қилинди. Барча вазирлик ва идораларда гендер тенглик масалалари бўйича маслаҳат кенгашлари фаолияти ташкил этилди.

Янада муҳими, Президентимиз парламентга Мурожаатномасида Сенат Раиси раҳбарлигида **Республика хотин-қизлар жамоатчилик кенгашини ташкил этиш** вазифасини кун тартибига қўйди. Мазкур кенгаш мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги ва давлат бошқарувидаги мавқеини янада оширишга қаратилган яхлит тизим яратишга масъул бўлади. Кенгашнинг асосий вазифаси жамиятда аёллар мавқеини ошириш, уларнинг муаммоларини пухта ўрганиш, хотин-қизларни қийнаётган кўплаб ижтимоий-иқтисодий муаммоларга амалий ечим топиш, уларни “Темир дафтар” ва “Аёллар дафтари”дан чиқаришга кўмак беришдан иборатдир.

Биргина шу далил ва рақамларнинг ўзи ҳам юртимиз аёлларининг жамиятда ҳақиқий ўрнини эгаллаб бораётганидан далолат бериб турибди. Бинобарин, хотин-қизлар ва ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳар томонлама таъминлаш Ўзбекистон Президенти юритаётган адолатли сиёсатнинг устувор йўналишларидандир.

Ўзбекистон Президенти БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши 46-сессиясидаги чиқишида мамлакатимизда гендер сиёсати қатъий давом эттирилишини таъкидлагани бежиз эмас. Бу йил юртимизда **Марказий Осиё мамлакатлари етакчи аёлларининг мулоқотини ташкил этиш, шунингдек, хотин-қизларнинг минтақавий бизнес форумини ўтказиш** режалаштирилгани ҳам шундан далолат беради.

### УЧИНЧИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШ: АЛОҲИДА ЭҲТИЁЖГА ЭГА ШАХСЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ

Мамлакатимизда 2020 йил 15 октябрда **“Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги қонун қабул қилинди.** 2021 йил 17 январдан кучга кирган ушбу қонун 2008 йилда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг ўрнини босади.

Мазкур қонунни ишлаб чиқишда БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси қоидалари, шунингдек, АҚШ, Буюк Британия, Германия, Швейцария, Россия, Беларусь, Украина, Озарбайжон каби 10 дан ортиқ хорижий давлатнинг ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларига оид қонунлари ўрганилган.

Бугунги кунда **Олий Мажлис палаталарида БМТ Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини ратификация қилиш билан боғлиқ ишлар изчил бажарилмоқда.** Айни пайтда эса конвенциянинг халқаро стандартлари ва талабларини, шунингдек, “ногирон” сўзи ўрнига “ногиронлиги бўлган шахс” атамасидан фойдаланишни назарда тутувчи янги қонун мамлакатимизнинг юқоридаги тоифага мансуб вакиллари ҳуқуқ ва манфаатларини ифодалашга хизмат қилади.

Янги қонун ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини белгилайдиган асосий



қонун ҳужжати ҳисобланади. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда ногиронлиги бўлган 700 мингдан ортиқ шахс, жумладан, 16 ёшгача ногиронлиги бўлган 100 мингдан ортиқ бола истиқомат қилиши эътиборга олинса, мазкур қонуннинг долзарблиги ва аҳамияти яққол намоён бўлади.

Давлат ногиронлиги бўлган болаларни парваришлаётган оилаларга моддий, маслаҳатга оид ва бошқача тарзда ёрдам беради, содда қилиб айтганда, алоҳида эҳтиёжга эга бўлган шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида айтилганидек, Ўзбекистонда ногиронликни белгилашнинг жаҳон андозаларига мос ижтимоий моделига босқичма-босқич ўтилади.

Муҳтож аҳолини протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация воситалари билан таъминлаш бўйича янги тизим жорий этилади. Бу имкониятдан қарийб 50 минг киши фойдаланиши мумкин бўлади.

Президентимизнинг бу борадаги янги ташаббуси — **имконияти чекланган шахсларнинг ўз қобилиятини тўла рўёбга чиқариш масалалари бўйича минтақавий кенгаш тузиш** таклифи ҳам шу каби эзгу мақсадларга қаратилган.

### ТЎРТИНЧИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШ: ЁШЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

Ёшлар масаласи, чиндан ҳам, янги Ўзбекистон тараққиётининг муҳим омили ҳисобланади. Охирги парламент сайловида Қонунчилик палатасига 30 ёшгача бўлган 9 нафар депутат сайлангани ҳам бунинг ёрқин тасдиғидир. Бугун парламентимиз қуйи палатаси таркибининг 6 фоизини ёшлар ташкил этмоқда, жаҳон миқёсида эса бу кўрсаткич атиги 2 фоиздир.

Давлатимиз раҳбари БМТ Бош Ассамблеяси 75-юбилей сессиясида қайд этганидек, **“Мамлакатимиз аҳолисининг ярмидан кўпини ёшлар ташкил этади. Республикамизда ҳар бир йигит-қизнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллаши ва ўз салоҳиятини намоён этиши учун улкан ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистонда ёшлар парламентлари, Ёшлар ишлари агентлиги фаолият кўрсатмоқда”.**

Давлатимиз раҳбари БМТ минбаридан туриб яна бир бор барча-барчани — Ўзбекистоннинг БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини қабул қилиш ташаббусини қўллаб-қувватлашга чақирди. Конвенция лойиҳаси бутун дунё жамоатчилиги томонидан алоҳида эътироф этиляпти. Жумладан, ўтган йили ўтказилган Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд форумида бу конвенция лойиҳаси бўйича ижобий фикрлар билдирилди.

Халқаро анжуманда “Ёшлар — 2020: глобал бирдамлик, барқарор тараққиёт ва инсон ҳуқуқлари” номли Самарқанд резолюцияси қабул қилинди. Ҳужжатда, жумладан, ёшлар ҳуқуқлари ҳар ким фойдаланиши зарур бўлган, аммо айримлар ёшининг кичиклиги туфайли бундай имкониятдан маҳрум этилган ҳуқуқлар экани қайд этилган. Самарқанд резолюцияси ҳозирги замон давлатларининг ривожланиши билан боғлиқ барча жараёнларга ёшларни янада кенг жалб этиш зарурлигини ҳар томонлама тасдиқлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон нафақат ушбу конвенция лойиҳасини тайёрлаш ташаббуси билан чиқди, балки ёшлар масаласини бугун давлат сиёсатининг устувор йўналиши даражасига кўтарди. Мамлакатимизда **Ёшлар ишлари бўйича агентлик ташкил этилди,** фондлар тузилди, навқирон йигит-қизларнинг бандлигини таъминлаш бўйича доимий чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Юртимизда кейинги даврда тузилган ёшлар ташкилотлари ҳақида сўз борган экан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ўринбосари **— Бола ҳуқуқлари бўйича вакил лавозими** жорий этилганини ҳам қайд этиш ўринлидир. Президентимиз 2020 йил 29 майда имзолаган “Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармон билан Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари белгилаб берилди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида Ўзбекистонда жорий йилнинг “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” деб эълон қилинганини маълум қилар экан:

**биринчидан,** БМТ шафелигида Ёшлар ҳуқуқлари бўйича бутунжаҳон конференциясини ўтказиш;

**иккинчидан,** БМТ Иқтисодий ва ижтимоий кенгашининг ўнинчи форумида Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция лойиҳасини тақдим этиш;

**учинчидан,** БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари бўйича махсус маърузачиси институтини таъсис этиш ташаббусларини илгари сурди.

Агар ҳозирги кунда дунёда инсоният тарихида кузатилмаган даражада кўп — 2 миллиарддан зиёд ёш мавжудлиги ҳисобга олинса, Ўзбекистон Президентининг бу ғоялари ниҳоятда долзарб ва фойдали эканини яққол англаш мумкин.

### БЕШИНЧИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШ: МАЖБУРИЙ МЕҲНАТ ВА БОЛАЛАР МЕҲНАТИГА БАРҲАМ БЕРИШ

Сўнгги 15 йил ичида дунёда одам савдоси қурбонлари орасида болаларнинг улуши уч баравар ошган, аёллар ушбу жиноий ҳаракатнинг асосий нишони бўлиб қолмоқда. **БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш маълумотларига қараганда, ҳозирги кунда дунё бўйича 40 миллиондан ортиқ одам қулликнинг замонавий шаклларига дучор этилган бўлиб, уларнинг 71 фоизини аёллар ва қизлар ташкил этади.**

Халқимиз қадр-қиммати, инсон манфаатларини ҳимоя қилиш, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги ижобий имижини мустаҳкамлашда одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш масалалари катта аҳамият касб этади.

Шу нуқтаи назардан, Миллий стратегия ижроси доирасида 2020 йил 17 августда “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун қабул қилингани диққатга лойиқдир.

Давлатимиз раҳбари **“Болалар меҳнатига барҳам бериш халқаро йили” деб эълон қилинган жорий йилда Ўзбекистонда Болалар омбудсмани тўғрисидаги қонун қабул қилинишига жаҳон ҳамжамияти** эътиборини қаратгани шуни англатадики, мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатига барҳам беришда қонун асосида кутилган мақбул натижаларга эришамиз.

### ОЛТИНЧИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШ: ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ СОҲАСИ БЎЙИЧА ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Президентимиз бу борада, **биринчидан,** Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим декларациясининг 10 йиллигига бағишлаб, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари бошқармаси билан ҳамкорликда глобал форум ўтказиш; **иккинчидан,** ўқитиш тизимини ривожлантириш мақсадида БМТнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Ихтиёрий бадаллар жамғармасига Ўзбекистон ўз ҳиссасини қўшиши таклифларини билдирди.

Давлат раҳбарининг бу ҳақдаги фикрларини тинглар эканман, Самарқанд веб-форумининг 2020 йил 13 августда бўлиб ўтган учинчи ялпи мажлисида ёшлар учун инсон ҳуқуқлари бўйича таълим масалалари муҳокама қилинганини эсладим. Ўшанда турли мамлакатлар экспертлари томонидан ёшларга инсон ҳуқуқлари бўйича таълим бериш борасидаги тажриба таҳлил этилиб, ушбу муҳим йўналишни такомиллаштириш юзасидан тавсиялар берилди.

**Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим нима учун айнан ёшларга бунчалик муҳим?** БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари бошқармаси вакили **Паулина Тандионо**нинг фикрича, **“Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим ёшларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш, уларни ривожлантириш ва жамият ҳаётига жалб этишнинг калитидир. У навқирон инсонларга ўзининг фаол фуқаро сифатидаги мавқеини англаш, эътироф этиш ва бу билан боғлиқ вазифаларини адо этиш, яъни чоралар кўриш ҳамда ўзига ва бошқаларга тегишли инсон ҳуқуқларига амал қилинишига эришиш, шунингдек, давлат ишларида ҳамда қарорлар қабул қилишга оид демократик жараёнларда тегишли тартибда иштирок этиш имкониятини тақдим этади”.**

Европа Кенгашининг Ёшлар ишлари бўйича маслаҳат кенгаши аъзоси **Ника Бахолиа**ни таъкидича, **“таълим — адолатсизликка барҳам бериш усули бўлса, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим — бу соҳадаги энг мақбул усулдир”.**

БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари бошқармаси маслаҳатчиси, “ND Consultance” директори **Нордин Дриси**нинг эътироф этишича, “Ўзбекистонда бугунги кунда юз бераётган ижобий сиёсий ўзгаришлар туфайли инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимни ривожлантириш ва инсон ҳуқуқлари соҳасида ишончли билимларни эгаллаган янги авлод ҳуқуқшуносларини тарбиялаш учун мустаҳкам платформа яратилиши мумкин”.

Шу ўринда ўтган йилнинг ноябрь ойидан буён Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказида **“Инсон қадр-қиммати — энг олий қадрият” махсус ўқув модули** машғулотлари ўтказиб келинаётгани ҳақида мухтасар тўхталмоқчимиз. Мазкур ўқув модули мамлакатимиз судлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари раҳбар ходимлари учун мўлжалланган.

Ўқув курсида барча судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар раҳбар ходимлари икки босқичда ўқитилмоқда. Олий суд, Бош прокуратура, Адлия, Ички ишлар ва Мудофаа вазирликлари, Миллий гвардия, Давлат божхона қўмитаси, Давлат хавфсизлик хизмати раҳбар ходимлари — жами 2 минг 300 дан зиёд тингловчи махсус ўқув модули машғулотларига жалб этилди.

Бундан ташқари, марказ томонидан турли йўналиш ва босқичлардаги таълим муассасалари учун “Инсон ҳуқуқлари” фани бўйича ўқув дастурлари тайёрланган. Ўтган йил октябрь-декабрь ойларида ташкил этилган “Рақамли иқтисодиёт, инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тадқиқотлар” мавзусидаги танловда 12 номинация бўйича қатнашган 80 нафар иштирокчи орасидан ғолиблар аниқланди ва тақдирланди.

### ЕТТИНЧИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШ: ФУҚАРОЛИГИ БЎЛМАГАН ШАХСЛАР СОНИНИ КАМАЙТИРИШ

1991 йилдан 2016 йил декабргача 482 киши Ўзбекистон фуқаролигини олган бўлса, 2016 йил декабрдан 2020 йилгача бўлган муддатда бундай шахслар 15 минг нафарни ташкил этди. Бундан ташқари, 1995 йил 1 январга қадар Ўзбекистонда яшаб келган 50 минг нафар фуқаролиги бўлмаган шахс Ўзбекистон Республикасининг фуқароси деб тан олинди.

Давлат раҳбари Юқори даражадаги сегментда сўзлаган нутқида: “бу йил яна 20 мингдан зиёд киши фуқароликка эга бўлади”, деб қайд этди.

Бундай муҳим қадамлар БМТнинг фуқаролиги бўлмаган инсонлар сонини камайтиришга қаратилган чақириғига муносиб жавобдир. Президентимиз алоҳида қайд этганидек, **“Ўзбекистон фуқаролари ҳамиша ўз давлати ва Конституцияси ҳимоясида бўлади ва биз бу тамойилни бундан буён ҳам қатъий амалга оширамиз”.**

Шуни ҳам айтиш жоизки, ҳозирги кунда Ўзбекистон фуқаролигига қабул қилиш ва фуқароликдан чиқиш механизмлари ислоҳ қилиниб, аризага илова қилиниши лозим ҳужжатлар сони 2 баравар қисқартирилган.

### ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ СОҲАСИДАГИ ЯНГИ ТАШАББУСЛАРИ

Биз инсон ҳуқуқларини кафолатлаш, ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш борасида эришган натижаларимиз билан кифояланиб қолмаймиз.

Президентимиз Юқори даражадаги сегмент иштирокчилари эътиборини мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари тўғрисида кодекслар ишлаб чиқилаётганига қаратди. Бу кодекслардан бири Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантиришга, иккинчиси эса сўз эркинлигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга хизмат қилиши лозим. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, буни биз **“қатъий мақсад қилганмиз”.**

Ўзбекистон Президенти БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига 3 та таклиф билан чиқди.

**биринчи таклиф:** судьялар кенгашлари фаолиятининг универсал принципларини ишлаб чиқиш;

**иккинчи таклиф:** Қийноқларга қарши конвенциянинг факультатив протоколини Ўзбекистон томонидан ратификация қилиш;

**учинчи таклиф:** мазкур масалалар юзасидан ҳамкорликда ишлаш мақсадида БМТнинг Қийноқлар масаласи бўйича махсус маърузачисини мамлакатимизга таклиф этиш.

Давлатимиз раҳбари, шунингдек, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари Мишель Бачелетнинг юртимизга ташрифини кутиб қолишимизни қайд этди. **“Бу борада мандатга эга бўлган барча вакилларнинг Ўзбекистонга ташриф буюришлари учун доимий таклифнома юбориш ҳақида қарор қабул қиламиз”,** деди Президентимиз.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларига бундан кейин ҳам содиқ қолади. Шу билан бирга, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, **“биз инсон ҳуқуқлари борасида ҳали улкан йўлнинг бошида турганимизни яхши тушунамиз ва халқаро ҳамкорларимизнинг қўллаб-қувватлашига умид қиламиз”.**

## ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИДАН СЎНГ



**Мамлакатимиз ички ишлар органларида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий мақсади аҳолини рози қилиш, фуқаролар манфаатларини ифода этадиган халқчил тузилмани яратишдан иборат. Тизим фаолиятини янада жонлантириш, шубҳасиз, кенг дунёқараш ва чуқур билимга эга салоҳиятли кадрларга боғлиқ жараён.**
**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академияси бошлиғи, полковник Рустам ХАТАМОВ билан суҳбатимиз шу хусусда бўлди.**





# ИСЛОҲОТЛАР СУРЪАТИ ФИДОЙИЛИКНИ ТАЛАБ ҚИЛАДИ

**— Президентимиз 12 февраль куни Ички ишлар вазирлигига ташриф буюриб, илк бор вазирлик ҳайъатининг кенгайтирилган йиғилишида иштирок этиши тизим фаолияти ривожланишида янги босқични бошлаб бергани билан тарихий аҳамиятга эга. Йиғилишда кадрлар тайёрлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Маълумки, ички ишлар органлари тизими асосан вазирлик Академиясини битирган кадрлар билан тўлдириб борилади. Бунда сизга катта ишонч билдирилди ва Академия бошлиғи сифатида иш бошладингиз. Вазирлик тизимидаги кадрлар масаласи билан яқиндан таниш раҳбар сифатида бугунги ютуқ ва камчиликларни нималарда кўряпсиз, қайси жиҳатларга кўпроқ эътибор қаратишимиз керак?**

— Президентимиз раҳбарлигида сўнгги уч-тўрт йилда тизимда кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди. Соҳанинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш мақсадида ўнлаб фармон ва қарорлар қабул қилинди. Ички ишлар органларини фуқароларнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қила оладиган чинакам халқпарвар тузилмага айлантириш асосий мақсад этиб белгиланди. Том маънода, бунга эришилди ҳам. Бироқ бу борада ҳали қилинадиган ишлар, ҳал этилиши лозим бўлган масалалар борлигини яқинда давлатимиз раҳбари раислигида танқидий ва таҳлилий руҳда ўтказилган йиғилиш кўрсатиб берди. Президентимиз ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жиноятчиликка қарши кураш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш йўналишидаги фаолиятини таҳлил қилиб, бир қатор устувор вазифаларга эътибор қаратди. Энг аввало, маҳаллаларда жиноятчиликни жиловлаш, уларнинг содир этилиш сабаблари ва имкон бераётган шарт-шароитларини ўрганиш, аниқлаш ҳамда бартараф этиш, профилактика инспекторларининг иш юкламасини енгиллаштириб, натижадорлигини ошириш лозимлиги таъкидланди.

Йиғилишда кўрилган яна бир муҳим масала, бу — соҳа учун профессионал кадрлар тайёрлашни янги босқичга кўтариш бўлди. Тан олайлик, тизимни ислоҳ қилиб, замонавий ахборот технологияларини қанчалик кенг татбиқ этмайлик, ходимларнинг билим салоҳияти, касбий ва амалий тайёргарлиги замон талабларига жавоб бермас экан, кўзлаган натижаларга эриша олмаймиз.

Биз глобаллашув шароитида яшаяпмиз. Ҳуқуқ-тартибот тизими бўладими ёхуд бошқа соҳа, аввало, давр шиддатига мос қадам ташлаш, янгиликка ва инновацияга интилиш — бугунги кун талаби. Ҳайъат йиғилишида давлатимиз раҳбари мутасадди раҳбарлар олдига долзарб вазифаларни қўйиб, ички ишлар органларининг барча бўғинида қоғозбозлик ва бюрократияни кескин камайтириш, иш юритишни рақамлаштириш масаласига аҳамият қаратди. Ана шу мақсадда Ички ишлар вазирлигида ахборот технологиялари бўйича вазир ўринбосари лавозими жорий этилди.

Кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ҳам ҳамиша ислоҳотталаб жараён. Шундан келиб чиқиб, сўнгги йилларда ички ишлар органларига хизматга қабул қилиш тартиби босқичма-босқич ислоҳ этилди. Ходимларнинг касбий малака ва кўникмасини ошириш, соҳа учун етук мутахассис кадрлар тайёрлаш чора-тадбирлари такомиллаштирилди. Бироқ халқимизда "одамнинг оласи ичида" деган мақол бор. Белгиланган барча талаб ва меъёрлар асосида ишга қабул қилинган ёки лавозимга тайинланган айрим кадрлар томонидан хизмат интизомини қўпол равишда бузиш, лавозимини суиистеъмол қилиш, ўз манфаатини устун қўйиш каби салбий ҳолатларга ҳамон йўл қўйилмоқда. Бундай кадрлар содир этган хатти-ҳаракати билан наинки ўзи ва оиласи, балки жамиятга, ички ишлар органларининг халқ орасидаги обрўйи ва нуфузига путур етказяпти. Ёки раҳбарлик лавозимига тайинланган баъзи ходимлар бошқарувни самарали ташкил этишда турли камчиликларга йўл қўйиб, охир-оқибат лавозимидан четлаштириляпти. Афсуски, ҳамкасбларимиз орасида жиноят кўчасига кириб қолаётганлар ҳам йўқ эмас. Тизимни бундай номақбул кадрлардан тозалаш кечиктириб бўлмайдиган вазифа ҳисобланади.

Қолаверса, таҳлилларга назар ташласак, вазирлик Академиясини битирган ёш кадрларнинг ишга кўникиб кетиши жуда қийин кечмоқда. Агарда шундай пайтларда тизимда "устоз-шогирд" анъанаси қарор топмаган бўлса, уларнинг айримлари бир-икки йиллик хизмат фаолиятидан сўнг ўз хоҳиши билан ишдан бўшаб кетади. Демак, ички ишлар органлари ходимларининг касбий ва маънавий-ахлоқий фазилатларини юксалтириш масаласи ҳам долзарб аҳамият касб этади. Чунки маънавий салоҳияти етук, ватанпарвар, фидойи, юртга дахлдорлик ҳисси билан яшайдиган ҳар бир ходим, аввало, касбига хиёнат қилмайди, турли ножоиз хатти-ҳаракатларга қўл урмайди, аксинча, Ватани ва халқига садоқат билан хизмат қилади.

**– Рустам Абдуғаниевич, гап ўз-ўзидан мутахассис кадрлар тайёрлаш масаласига келиб тақаляпти. Сизнингча, сўнгги йилларда соҳани профессионал кадрлар билан таъминлашга қаратилган ислоҳотлар қанчалик ўз самараси кўрсатди?**



— Давлатимиз раҳбари томонидан 2017 йил 16 августда "Ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор қабул қилинди. Мазкур қарор билан Ички ишлар вазирлиги тизимида кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш соҳасида бир қатор янгиланишлар амалга оширилди. Биринчи навбатда, мамлакатимизнинг 14 та маъмурий-ҳудудий бирликларида вазирлик академик лицейлари ташкил этилиб, узлуксиз таълимнинг дастлабки босқичи йўлга қўйилди. Академиянинг кундузги таълим шаклига қабул Ички ишлар вазирлиги академик лицейлари, ҳарбий академик лицейлар битирувчилари, шунингдек, ички ишлар органлари ходимлари ҳамда профилактика инспекторларининг ёрдамчилари таркибидан амалга ошириладиган бўлди. Академиянинг кундузги таълимида ўқиш муддати тўрт йилдан уч йилга қисқартирилиб, битирувчиларга магистр даражасига тенглаштирилган олий маълумот ("юрист" малакаси) ҳамда "лейтенант" махсус унвони берилиши йўлга қўйилди. Ўқув жараёнида мутахассислик йўналишлари сони еттитага етказилди. Бундан ташқари, сиртқи таълим, касбий тайёргарлик ҳамда раҳбар кадрларни тайёрлаш факультетлари ташкил этилиб, ички ишлар органи ходимларини мақсадли ўқитиш тизими жорий қилинди.

Бироқ сўнгги йилларда вазирлик академик лицейлари билан Ички ишлар вазирлиги Академияси ўртасидаги ўзаро уйғунлик ва ҳамкорлик, тажриба алмашиш, лицейлар ўқув жараёнини зарур адабиётлар билан таъминлаш масалаларига етарлича эътибор қаратилмади. Аслида, узлуксиз таълимни йўлга қўйишдан мақсад ҳам ўқувчиларнинг билим салоҳияти, касбий фазилатларини шакллантириш орқали уларни Ички ишлар вазирлиги Академиясида ўқитиш учун мақсадли тайёрлаш кўзланган эди.

Охирги пайтларда таълимда назария ва амалиёт ўртасидаги боғлиқликни таъминлаш, олинган назарий таълимни амалиётда мустаҳкамлаш борасида муайян бўшлиқнинг юзага келгани Академияни тамомлаган ёш мутахассисларнинг юқорида айтиб ўтганимиздек, кейинчалик амалий фаолиятга мослашиб кета олмаслигига олиб келмоқда.

Таълим жараёни билан боғлиқ яна бир муаммо борки, у профессор-ўқитувчиларимизнинг педагогик маҳорати, ўқитишга замонавий жиҳатдан ёндашмаётгани билан боғлиқ. Ўқув жараёнида интерфаол методлар, ахборот технологиялари ҳамда илғор хорижий тажрибалардан самарали фойдаланмаслик таълим сифати ва самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Қолаверса, профессор-ўқитувчиларнинг илмий-тадқиқот ишлари долзарб муаммолардан келиб чиқиб шакллантирилмагани яхши самара бермаяпти.

**— Мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимлари, умуман, Академиянинг ўқув жараёнини такомиллаштириш, моддий-техник базасини ривожлантириш, илмий салоҳиятини янада юксалтириш, айниқса амалиётдаги муаммоларни илмий жиҳатдан тадқиқ этиш бўйича қандай чора-тадбирлар белгилаб олинди?**

— Бу борада Ички ишлар вазирлиги ҳайъатининг кенгайтирилган йиғилишида Президентимиз томонидан бир қатор устувор йўналишлар белгилаб берилди. Шундан келиб чиқиб, ҳозирда кўп йиллик педагогик ва амалий тажрибага эга ходимлар, профессор-ўқитувчилардан иборат ишчи гуруҳ ташкил этилиб, Академияни яқин истиқболда ислоҳ қилишга доир "Ривожланиш стратегияси" ишлаб чиқилмоқда. Кадрлар тайёрлаш тизимини янги босқичда ташкил этиш, таълим-тарбия жараёни сифати ва самарадорлигини ошириш учун қатор устувор йўналишлар белгилаб олинди.

Жумладан, Академиядаги таълим замонавий стандартларга мувофиқ, икки босқичда — бакалавриат ва магистратура асосида йўлга қўйилади. Тингловчи ва курсантларга таълим бериш жараёни тубдан ислоҳ этилади. Назария ва амалиёт уйғунлиги кучайтирилиб, машғулотлар замонавий инновация, ахборот технологиялари ютуқлари асосида ташкил этилади. Пировардида, тингловчи ва курсантларнинг касбий билимлари, амалий кўникмалари, маънавий-ахлоқий, руҳий фазилатларини, ватанпарварлик туйғуларини янада юксалтириб бориш чора-тадбирлари кўрилади.

Халқаро тажриба алмашинувини ривожлантириш асносида профессор-ўқитувчилар, ходимлар, тингловчи ва курсантларнинг педагогик маҳорати, малакаси мунтазам ошириб, мақсадли ўқитиб борилади.

Тингловчи-курсантларни ватанпарварлик руҳида касбга садоқатли ходим сифатида тарбиялаш мақсадида улар билан олиб бориладиган тарбиявий-психологик, маънавий-маърифий ишлар тизимини замон талаблари даражасида ташкил этиш чоралари кўрилади. Академия профессор-ўқитувчиларининг илмий-тадқиқот фаолияти амалиётдаги долзарб муаммолар ва уларнинг ечимларига йўналтирилади. Академия илмий жамоаси томонидан криминоген вазияти оғир ҳудудларга борилиб, содир этилган жиноятларнинг сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитлар илмий жиҳатдан ўрганилади ҳамда шу асосда "илмий диагноз" қўйилади, шунингдек, жиноятчиликни жиловлаш бўйича илмий асосланган хулосалар бериб борилади.

Академиянинг кенг кўламли фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, таълим-тарбия жараёни ва илмий-тадқиқот фаолияти самарадорлигини ошириш имконини берувчи инновацион дастурий таъминотлар кенг жорий этилади. Академиянинг Ички ишлар вазирлиги ихтисослаштирилган мактаб-интернати, академик лицейлари, Нукус "Темурбеклар мактаби" ҳарбий академик лицейи билан олиб борадиган ўқув-методик мувофиқлаштириш, маънавий-маърифий қўллаб-қувватлаш, амалий-методик ёрдам кўрсатишдаги етакчилик роли кучайтирилади.

Ўқув даргоҳининг моддий-техник базаси янада бойитилади. Хусусан, таълим сифатини ошириш мақсадида симуляция ва модуляция маркази, замонавий технологиялар билан жиҳозланган ўқув ва амалий машғулотлар хоналари барпо этилади.

Ушбу устувор вазифаларнинг амалдаги ижросини таъминлаш учун куч ва салоҳиятимизни бир мақсадга йўналтириб, ислоҳотлар суръати билан баравар одимлашимиз керак. Ҳар биримиз шахсий масъулиятни ҳис этиб, касбимизга виждонан ёндашсак, фидойилик, ташаббус ва шижоат билан хизмат қилсак, фаолиятимизни танқидий баҳолаш баробарида, мақсадни тўғри олсак, ўйлайманки, кўзлаган маррага, албатта, етамиз.

**Жамшид ХОЛОВ суҳбатлашди.**

## БУЮК ТАМАДДУН БУНЁДКОРЛАРИ

# ЖОНКУЯР, ИЗЛАНУВЧАН ЁШЛАР ҲАММА СОҲАЛАРДА ЎЗГАРИШЛАР ҚИЛАДИ

**Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 18-19 февраль кунлари Наманган вилоятига амалга оширган ташрифи қизғин, самарали ва унутилмас воқеаларга бой кечди. Президентимиз қаерга бормасин, албатта, келажагимиз бунёдкорлари бўлган ёшлар вакиллари билан мулоқот қилди, дилдан суҳбатлашди, кайфиятини суриштирди. "Ёшларнинг кўзида эртанги кунга ишончни кўрсам, рости, чарчоқларим чиқиб кетади. Мана шундай жонкуяр, изланувчан ёшлар ҳамма соҳаларда ўзгаришлар қилади. Биз уларга кенг йўл очиб, ҳар томонлама ёрдам беришимиз лозим", деди давлатимиз раҳбари. Қуйида Президентимиз эътироф этган ёшларнинг фикр-мулоҳазалари билан танишамиз.**

**Хумора ИНЪОМОВА, Янгиқўрғон туманидаги "Sura General Investments" масъулияти чекланган жамиятига қарашли боғ ишчиси:**

— Давлатимиз раҳбари билан юзма-юз кўришганда, тўғриси, хурсандликдан ҳаяжонланиб, кўзимга қувонч ёши келди. Кутилмаган саволлар берди, мулоҳазали жавоб қайтаришга ҳаракат қилдим. "Сизларнинг ишли бўлганларингни, кайфиятларингни кўриб хурсандман. Йўлларингизни топиб, иш билан бўлиб, бирингизни икки қилиб, фарзандлар камолини кўриб яшасаларингиз — менинг энг катта мақсадим шу. Бунинг учун шу билан чегараланмай, кўпроқ билим олишингиз, китоб ўқишингиз, янги марраларга интилишингиз керак. Қийинчиликлардан, синовлардан хафа бўлманглар. Ҳаёт мактабини ўтаган инсон дунёга бошқача қарайди. Сизларга ўхшаган интилувчан, эртанги кунига бефарқ бўлмаган, касб-ҳунарли ёшлар бошқа тенгдошларига ўрнак бўлиши даркор", деганида бундай ғамхўрлик, мақтов ва эътибордан бошимиз кўкка етди. Давлатимиз раҳбарига олий ўқув юртига кириб, таҳсил олиб, ишончингизни оқлайман, деганимда "Қизим, сиз ўқишга кирдингиз!" деди. Ҳаётимдаги энг зўр хушхабардан жуда бахтлиман ва Президентимиздан миннатдорман.

Ҳозир деҳқончиликка қаттиқ бел боғладим, корхона боғидан 20 сотих ер ажратишди, унга 600 килограмм картошка уруғини экдим. Худо хоҳласа, 4-4,5 тонна ҳосил етиштириб, 12-13 миллион сўм даромад олишим мумкин. Фурсатдан фойдаланиб, бу борада бизга кўмаклашаётган мутасаддиларга ва мутахассисларга чуқур ташаккуримни йўлламоқчиман.

**Музаффар АҲМАДЖОНОВ, Наманган шаҳридаги "Даштбоғ" маҳалла фуқаролар йиғини раиси:**

— Ташрифнинг биринчи кунида кеч тушиб қолганига қарамай, Президентимиз маҳалламизга келди. Кутилмаганда бир ҳовлига кирди, оддий одамлар, қўни-қўшнилар билан ажойиб гурунг бўлди. Сўнг маҳалламиздаги 3200 та иш ўрни яратилган ва теваракдаги қатор оилаларни меҳнат билан банд қилган кичик саноат зонасини кўздан кечирди. Қимматли таклифларини, ёрдамларини билдирди. "Маҳаллабай" тизимида Наманган тажрибасини яратамиз, деди. Бундан руҳланиб, шу йилнинг сентябрь ойигача маҳалламизда бирорта ҳам камбағал қолдирмасликка, "Маҳаллабай", "Хонадонбай", "Фуқаробай" усулда ишсизларни камайтиришга ваъда бердим.

Кичик саноат зонасида аёллар ва ёшлар учун ўқув мономаркази ҳам очилди. Маҳалламиздаги 150 нафар фуқаро 12 та йўналиш бўйича ўқитилади, махсус курсларга бириктирилиб, тадбиркорликка йўналтирилади. Ёнимиздаги бошқа маҳаллалар аҳлини ҳам чорлаганмиз. Мазкур мономарказда 2 минг киши ишлаш ва ўрганиш имконияти эга. Айниқса, йигит-қизлар ҳунар эгалласа, пул топса, бекорчилик ва молиявий қийинчилик туфайли жиноятчиликка қўл урмайди, атрофимиз тинч, кўнглимиз хотиржам бўлади. Хуллас, файзли гўшага айланган диёримизга инвестиция ва саноатни олиб кирдик. Мана, энди астойдил ишлаб, ўзимизни кўрсатиб, билдирилган юксак ишончга муносиб жавоб қайтарамиз.

Ташрифнинг иккинчи кунида ўтказилган халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида фаолиятим юксак эътироф этилганидан мамнунман. Мамлакатимиз етакчиси "Маҳалла – ташаббускор", "Маҳалла раиси — ислоҳотчи" ташаббусини илгари суриб, камина ҳақида алоҳида тўхталди, намуна қилиб кўрсатиб, исмимни тез-тез тилга олди. Мана, менга қарата айтилган ва қалбимда муҳрланган ўша сеҳрли жумлалар: "Кеча "Даштбоғ" маҳалласининг 27 ёшли раиси Музаффар билан суҳбатлашдим. Унда фидойилик, билим ва мақсад бор. Бу маҳалла жуда оғир ҳудуд. Лекин Музаффарда ҳаракат борлигини кўрдим. Музаффар, довруғинг Тошкентгача борди..."

**Иқболжон ХОЛИҚОВ, Наманган давлат университети 3-босқич талабаси, халқ депутатлари Поп тумани Кенгаши депутати:**

— Вилоят фаоллари ва депутатлар иштирокидаги кенгайтирилган мажлисни туманимиз студиясидан кузатдим ва сўзга чиқдим.

Сайланган ҳудудимда "Депутат сектори" деган тамойил асосида фаолият юритаман. Депутатлик вазифам давомида бир йил ичида мен сайланган "Олмазор", "Бодомзор", "Обод" ва "Мустақиллик" маҳалла фуқаролар йиғинларидаги муаммолар юзасидан тегишли мутасаддиларга сўровнома йўллаб, ижросини назоратга олиб, аниқ амалий ишларни бажардик. Масалан, ичимлик сув олиб келиш, ички йўлларни таъмирлаш ва асфальтлаш, кўчаларга электр тармоғи, газ тортиш ва ҳоказо.

"Маҳаллабай" тизимида ҳудуддаги шароитларни яхшилаш, аҳолини рози қилиш бўйича ўз режаларимни айтганимда давлатимиз раҳбари бирдан тилагимни сўради. НамДУни битиргач, Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси тингловчиси бўлиш истагимни билдирдим. Шавкат Мирзиёев шу жойнинг ўзида академия ректорига бу ҳақда топшириқ берди ва орзуим ушалди. Қолаверса, вилоят ҳокими Шавкат Абдураззоқовга "Бу йигитни ўзингизга ёрдамчи қилиб, ёнингизда олиб юрасиз!" деди.

**Шоира МАШРАБОВА, Наманган шаҳридаги 26-меҳрибонлик уйининг 11-синф тарбияланувчиси:**

— "Қора машиналарда Президент келди", деган қийқириқни йўлакда эшитибоқ ташқарига югурдик. Давлатимиз раҳбари учрашувда бизни доимо қўллаб-қувватлашини қайта-қайта таъкидлади. Директоримиз Дилором ая ва тарбиячи опа-акаларимиз бизга катта эътибор бераётгани, доимо гавжум ва интиладиган тўгаракларимиз, тасвирий санъат курси тўғрисида сўзлаб бердим, чизган суратларимизни кўрсатдим. "Бошқа тенгдошларингга қараганда энг ақлли ва бахтли бўлишларинг учун ҳамма нарсага тайёрман! Сизларга нималар керак?" деб сўради Президентимиз. Менга ва яна бир шеригим Муҳаммадюсуф Тўхтасиновга "Сизлар ўқишга грантга кирасизлар!" деди. Наманган давлат университетида ўқиш орзуим ушалганидан роса хурсандман ва бу имтиёзга, ишончга жавобан келажакда етук рассом бўлиб етишаман, худо хоҳласа. Кетар чоғларида ҳаммамиз билан эсдалик учун суратга тушди. Хайрлашаётганида ҳокимларга "Қаранг, қандай чиройли-чиройли болалар, қизлар. Уларнинг бу ерда бўлмасликлари учун оилалар соғлом, аёллар билимли, ҳунарли бўлиши муҳим. Ҳар бир боланинг кўнглидаги гапни билинглар, барча шароитни муҳайё қилинглар!" дегани қулоғимга чалинганида беҳад шодландим.

Президентимизнинг ташрифи биз учун катта совға бўлди. Орадан бир кун ҳам ўтмай вазирлар, мутасаддилар Меҳрибонлик уйимизга келиб, бизга ноутбук, планшет, мобил телефон, магнитафон, мусиқий чолғу асбобларидан иборат Президент совғаларини топшириб кетишди.

**Нозима АКБАРОВА, Ёшлар иттифоқи Мингбулоқ туман бўлими жамоатчи ходими:**

— Вилоятимиз фаоллари қатнашган йиғилишда Президентимизнинг "Бугун ёки ҳеч қачон", деган сўзлари юрагимгача етиб борди. Яъни ҳозир бизга берилган вақт ва имкониятлардан ўрнида, унумли фойдаланишимиз, шу орқали ватанимиз ривожига ўз ҳиссамизни қўшишимиз зарурлигини яна бир карра англадим. Учрашувда туманимиздаги 1 563 нафар ишсиз ёш бандлигини таъминлаш бўйича ҳудудимиздаги нефть кони билан боғлиқ қисқача таклифимни билдирдим. НамДУда нефть ва кончилик кафедрасини ташкил этиш, тумандаги мономарказларда шу йўналиш бўйича ўқув курсларини жорий қилишга оид мурожаатимга ижобий муносабат билдириб, масъулларга кўрсатма берди.

Дарвоқе, вилоят фаоллари йиғилишида сўзга чиққан вилоят ички ишлар бошқармаси ёшлар етакчиси, косонсойлик 31 ёшли Достонбек Абдуқаҳҳоровни давлат раҳбари саволга тутди ва самимий суҳбатлашди. Унинг "Маҳаллабай" ишлаш тизими бўйича фикрларини тинглади ва уни дарров Наманган шаҳри ҳокими ўринбосари лавозимига тайинлади.

Ёшлар — келажагимиз. Президентимиз қаерга бормасин, албатта, ёшлар билан учрашади, уларнинг қизиқиш, муаммо ва ташвишлари билан қизиқади. Сизлар менинг фарзандларим, дея уларга ишонч билдиради. Ёшларимиз эса бу ишончни, албатта, оқлайдилар.

**"Янги Ўзбекистон" мухбири Орифжон ЖЎРАЕВ ёзиб олди.**

## ТАҲЛИЛ ВА ТАҚҚОС



**1995 йилдан буён дунёда халқаро тан олинган аёллар ва болалар ҳолати тўғрисидаги мультииндикатор кластер кузатуви (MICS) ўтказилиб келинади ва ҳозирга қадар 115 дан ортиқ давлатда 330 га яқин кузатувлар ўтказилган. MICS соғлиқни сақлаш, таълим ва болаларни ҳимоя қилиш соҳаларида болалар ва аёллар ҳолатини кўрсатувчи 130 га яқин кўрсаткич бўйича статистик асосланган, халқаро миқёсда таққосланадиган баҳоларни тўплаш учун мўлжалланган. У, шунингдек, 33 тага яқин Барқарор ривожланиш мақсадлари(БРМ)ни мониторинг қилиш учун керакли маълумотлар манбаи ҳисобланади.**
**Жорий йилда ана шундай тадбир Ўзбекистонда ҳам ўтказилиши мўлжалланмоқда. Ундан кўзланган мақсад, моҳият ва аҳамиятли жиҳатлар хусусида Давлат статистика қўмитаси раиси Баҳодир БЕГАЛОВ ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ)нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Мунир МАМЕДЗАДЕ билан суҳбатда бўлдик.**



# МУЛЬТИИНДИКАТОР КЛАСТЕР КУЗАТУВЛАРИ

## мамлакатимизда аёллар ва болалар ҳолати бўйича 130 га яқин кўрсаткични ифода этади



***Усмон АБДУРАСУЛОВ, журналист***

**— Нега айнан бугунги кунда ушбу кузатувлар Ўзбекистон учун муҳим ҳисобланади ва унда қандай йўналишлар қамраб олинади?**

— Юртимизда аёллар ва болалар ҳолати тўғрисидаги аввалги Мультииндикатор кластер кузатуви (MICS) 2006 йилда, яъни 15 йил аввал ўтказилган, — дейди Давлат статистика қўмитаси раиси Баҳодир Бегалов. — Ўтган йиллар давомида аёллар ва болалар ҳуқуқларини муҳофаза қилишга, гендер тенглигини таъминлашга, жамиятда аёлларнинг ҳолатини яхшилашга, мамлакатда болаларнинг ривожланиши учун керакли шароитларни яратишга қаратилган кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилди. Бу эса, халқаро тавсияларга мос равишда маълумотларни янгилаш ва фойдаланувчиларга ишончли, тўлиқ ва долзарб статистик маълумотлар тақдим этиш зарурлигини кўрсатади. Шу билан бирга, мамлакатда муҳим стратегик ижтимоий-иқтисодий қарорларни қабул қилишда мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари, реал маълумотлар халқаро таққослаш ва таҳлил қилишда ўта муҳим аҳамиятга эга. Масалан, MICS маълумотлари ижтимоий ривожланиш бўйича халқаро рейтингларда мунтазам ишлатиб келинади ва улар халқаро майдонда жамиятнинг асосий ривожланиш кўрсаткичлари бўйича жорий ҳолатини намоён этади. Қолаверса, MICS Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишдаги ўзгаришларни, бир қатор миллий устуворликларни ва болалар ҳуқуқларини амалга оширишдаги ўзгаришларни кузатиб бориш имконини беради. MICS асосий эътиборни болаларга, ёшлар ва аёлларга, мазкур гуруҳ вакилларининг эҳтиёжлари ва муаммоларига қаратган ҳолда бу имкониятни бизга тақдим этади.

— Мультииндикатор кластер кузатуви (MICS) аёллар ва болалар учун кўплаб муҳим маълумотларнинг репрезентативи бўлган уй хўжаликлари доирасида йиғилади, — дейди ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Мунир Мамедзаде. — MICS кузатуви учун танланган уй хўжаликлари мамлакат аҳолисининг белгиланган гуруҳларини (аёллар, болалар, ҳудудлар бўйича аҳоли, шу билан бирга қишлоқ ва шаҳарда яшовчилар) акс эттиради. Аҳоли ўртасида 4 та саволнома ёрдамида сўров ўтказилади: уй хўжалиги учун, 15-49 ёшдаги аёллар, беш ёшгача бўлган болалар, 5-17 ёшдаги болалар учун саволномалар. Унинг анкета шакли соғлиқни сақлаш муассасасида уч ёшгача бўлган болаларни эмлаш ёзувларини тўплашда қўлланилади. Маълумотларнинг сифати, шаффофлиги, холислиги, ишончлилиги ва реал вақтда тўпланишини таъминлаш учун сўров планшетлар ёрдамида ўтказилади.

**— Ушбу тадбирнинг Ўзбекистонда ўтказиб келинаётган бошқа сўровномалардан қандай афзаллик жиҳатлари бор?**

— Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда, асосан, аҳоли тўғрисида ижтимоий-иқтисодий маълумотларни тақдим этувчи бир неча уй хўжаликлари кузатувлари ўтказиб келинади, — дейди Баҳодир Бегалов. — MICS аҳолининг одатда нисбатан заиф қатламлари қаторига кирувчи аёллар ва болалар тўғрисида маълумотларни тўплаш учун ишлаб чиқилган. Давлат сиёсати кўпроқ эҳтиёжмандларни қўллаб-қувватлашга қаратилган экан, шубҳасиз, ушбу заиф гуруҳларни ва уларнинг муаммоларини аниқлаш керак бўлади. Болалар, ёшлар ва аёллар тўғрисидаги маълумотларга эга бўлиш, ҳукуматга аҳолининг ушбу гуруҳлари эҳтиёжларини қондиришга қаратилган мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш имконини беради.

— MICS, шубҳасиз, далилларга асосланган болаларга боғлиқ сиёсатни ишлаб чиқиш, Ўзбекистонда барқарор ривожланиш мақсадлари (БРМ), болалар ҳуқуқлари ва миллий устуворликларни мониторинг қилиш учун янгиланган ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларни тақдим этади, — дейди Мунир Мамедзаде. — БМТ томонидан 2020 йилдан 2030 йилгача бўлган давр "Ҳаракатлар ўн йиллиги" деб эълон қилинди. Мазкур MICS кузатуви биз томонимиздан, ҳақиқатан барқарор ривожланиш мақсадлари доирасида тезкор натижага эришиш йўлини бошлаш ва амалий ҳаракатга ўтиш даврида ўтказилади. Шунинг учун бугун маълумотларни йиғиш ва лозим бўлса, ривожланишини тезлаштириш керак бўладиган соҳаларга алоҳида эътибор қаратишнинг айни мақбул вақти.

Ўзбекистон ижтимоий ривожланишнинг кўплаб кўрсаткичлари бўйича ижобий натижа кўрсатган ва MICS ку-



затуви буни яққол намойиш эта олади. Бундан ташқари, барча бошқа давлатлар сингари ривожланишда аниқланиши ва бартараф этилиши керак бўлган бўшлиқлар мавжуд. Бу борада, MICS каби уй хўжалиги кузатувлари камбағаллик ва тенгсизлик кўрсаткичларини аниқлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга ва, албатта, мамлакатнинг муваффақиятли ривожланиши учун ёрдам бериш, шу билан бирга ҳеч бир давлатнинг орқада қолмаслигини кузатиб боришда булар ЮНИСЕФ учун энг муҳим маълумотлар ҳисобланади.

Кузатув болалар касалликлари ва уларни даволаш, болаларнинг ривожланиши ва озиқланиши, репродуктив саломатлик, оналар ва янги туғилган чақалоқларнинг соғлиғи, болалар ва ўсмирларнинг аввал учрамаган, масалан, технологиялардан фойдаланиши, бола фаолияти ва таълим даражаси каби муаммолари бўйича мавзуларни ҳам қамраб олади. ОИТСнинг юқиши, бола интизомига муносабат, ўз уйи ва кўчада хавфсизлик ҳисси каби қўшимча маълумотлар ҳам йиғилади.



**— Ўзбекистондаги MICS тадқиқотининг танланма ҳажми миллий даражада репрезентатив маълумотлар олишга имкон берадими?**

— MICS каби миллий уй хўжаликлари кузатувлари танланмаси асоси одатда сўнгги аҳолини рўйхатга олиш тадбирлари натижаларига асосланади, — дейди Баҳодир Бегалов. — Аммо Ўзбекистонда аҳолини рўйхатга олиш сўнгги марта 1989 йилда ўтказилганлигини ҳисобга олган ҳолда, танланма асоси сифатида ҳар йили маҳаллалар кесимида янгиланиб турувчи аҳоли рўйхатидан фойдаланилади. Шундай қилиб, Ўзбекистонда танланма асоси маҳаллалар даражасида янгиланган маъмурий маълумотларга асосланади, улар бирламчи танлов бирликлари (БТБ) сифатида белгиланади. Ўзбекистон бўйича танланма ҳажми Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, шу билан бирга шаҳар ва қишлоқ жойлари кесимида 726 та маҳалладаги 14 520 та уй хўжаликларини қамраб олади. Бу ўз навбатида, маълумотларни миллий даражада репрезентативлигини таъминлаш ва шу билан бирга ҳудудлар даражасида асосий кўрсаткичларни олиш имконини беради.

— Кузатув болалар касалликлари ва уларни даволаш, болаларнинг ривожланиши ва озиқланиши, репродуктив саломатлик, оналар ва янги туғилган чақалоқларнинг соғлиғи, ўсмирларнинг аввал учрамаган, масалан, технологиялардан фойдаланиши, бола фаолияти ва таълим даражаси каби муаммолари бўйича мавзуларни ҳам қамраб олади. — дейди Мунир Мамедзаде. — ОИТСнинг юқиши, бола интизомига муносабат, ўз уйи ва кўчада хавфсизлик ҳисси каби қўшимча маълумотлар ҳам йиғилади.

**— Ушбу йиғилган маълумотлар Ўзбекистоннинг ривожланиш даражасини яхшилашда қандай ўрин тутади? Жорий йилда ўтказилиши кўзда тутилаётган тадбир ким томонидан молиялаштирилади?**

— Ўзбекистон ҳукумати БРМ йўналишидаги ривожланишни кузатиб бориш ва улар бўйича базавий кўрсаткичларни яратиш борасида миллий асосларни ишлаб чиқар экан, стратегик режалаштириш ва инвестициялар учун MICS томонидан тақдим этиладиган ишончли ва долзарб бўлган маълумотлар талаб қилинади, — дейди Баҳодир Бегалов. — 2020 йил 29 декабрда Президентимизнинг Парламентга Мурожаатномасида аёллар ва болалар ҳолатига ижобий таъсир этадиган асосий сиёсий устуворлик ва мақсадларни белгилаб берди ҳамда мамлакатда ислоҳотларнинг сифат жиҳатидан янги босқичида ушбу йўналишда қўйилган мақсадларга эришишнинг янги даври бўлишини таъкидлади. MICS маълумотлари болалар ҳуқуқларини мониторинг қилиш миллий тизимини такомиллаштиришга, миллий ва ҳудудий даражадаги оналар ва болаларга оид ижтимоий дастурларни режалаштириш ва амалга ошириш учун зарур бўлган долзарб маълумотларни ҳамда миллий статистика амалиётига халқаро даражага мослаштирилган кўрсаткичларни йиғишга, аёллар ва болалар ҳолатига оид халқаро мажбуриятлар ва миллий устуворликларни бажариш жараёнларини мониторинг қилишга хизмат қилади.

— MICS Ўзбекистон ҳукумати ва ЮНИСЕФ томонидан молиялаштирилади. MICSнинг умумий қиймати 1 миллион АҚШ долларидан юқори бўлиб, ушбу маблағларнинг 30 фоизга яқин қисми ҳукумат номидан Давлат статистика қўмитаси ва 70 фоиздан ортиқроғи ЮНИСЕФ томонидан қопланади, — дейди Мунир Мамедзаде. — Бундан ташқари, Давлат статистика қўмитаси MICS сўровига интервьюерлар, антропологик кўрсаткичларни ўлчовчилар, гуруҳ раҳбарлари, рўйхат тузувчилар ва картографлар сифатида 150 дан ортиқ ходимни жалб этиши кўзда тутилган.

## ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ



# МУРОЖААТЛАР БИЛАН ИШЛАШДА

## маҳаллабай тизими жорий этилади

**Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси "Фуқаро — жамоат ташкилотлари — давлат" ҳамкорлигини мустаҳкамлаш мақсадида фуқаролар мурожаатлари билан ишлашнинг маҳаллабай тизимини жорий этишга қаратилган ҳуқуқий маслаҳат марказлари ташкил этиш лойиҳасини ишлаб чиқди. Марказни очиш сабаблари, унинг бошқа турдош муассасалардан фарқли жиҳатлари, энг муҳими, халқимизга манфаати хусусида Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси раиси Жаҳонгир САРИМСОҚОВ мухбиримизга сўзлаб берди.**

— Лойиҳадан кўзланган мақсад "Жамият — ислоҳотлар ташаббускори" ғоясини рўёбга чиқариш, фуқаролик жамияти институтларининг давлат ва жамият фаолиятидаги иштирокини ошириш, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари билан ижтимоий шериклик асосида фуқаролар мурожаатлари билан ишлашнинг янгича механизмини жорий этишга қаратилган. Унинг доирасида бу йил мамлакатимиз бўйлаб иккитадан маҳалла танланиб, улар ҳудудида маҳаллий ҳокимликлар кўмаги билан ҳуқуқий маслаҳат марказлари ташкил этилади, — дейди Жаҳонгир Саримсоқов. — Хусусан, яқинда Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳри, Шеробод, Қизириқ, Ангор, Музработ, Жарқўрғон, Шўрчи ва Термиз туманлари ҳокимлари иштирокида ўтган учрашувда ҳуқуқий маслаҳат марказларини ташкил этиш механизмларини муҳокама қилдик.

Бугунги кунда федерациямизга кўплаб мурожаатлар келиб тушмоқда ва бир вақтнинг ўзида ечимини топяпти. Биргина ўтган йилнинг сўнгги тўққиз ойи мобайнида истеъмолчилардан қарийб ўн икки мингта мурожаат келиб тушди. Уларнинг 93 фоизи ижобий ҳал этилиб, истеъмолчилар фойдасига 15 миллиард 183 миллион 829 минг 380 сўм етказилган зарар ундириб берилди. Бу бежиз эмас. Юртдошларимиз ўз ҳақ-ҳуқуқини тобора чуқур англаб, тушуниб боряпти. Ҳуқуқий саводхонлиги, ҳуқуқий маданияти ошяпти. Биз илгари сураётган ҳуқуқий маслаҳат маркази лойиҳаси бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқишда кўмакчи бўлади.

Бугунги ислоҳотлар ривожи ва ижобий ўзгаришлар жараёнида "маҳаллабай" сўзининг аҳамияти кун сайин ортмоқда. Давлатимиз раҳбарининг ўтган йили 22 майда Андижон вилоятига ташрифи давомида бу сўз илк бор тилга олинган. Турли соҳаларга оид фаолиятни маҳаллабай ташкил этиш тўғрисида сўз юритилган.

Президентимизнинг ўтган йили 12-13 декабрь кунлари Хоразм вилоятига ташрифи давомида ушбу ибора моҳиятини янада очиб берувчи "маҳалла раиси — ислоҳотчи" ғояси илгари сурилиб, ҳар бир вазирлик, идора ва ташкилотлар фаолиятини маҳаллабай ташкил этиш зарурлиги таъкидланди.

Муайян ҳудудда яшовчи одамлар манфаатидан келиб чиқиб, улар билан келишган ҳолда ишларни ташкил этиш "маҳаллабай" сўзининг мазмунини очиб беради. Шу маънода, ҳуқуқий маслаҳат марказлари ҳам аҳоли муаммоларини ўрганиш ва уларга ечим топишда маҳалланинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда фаолият юритади. Ҳар бир маҳаллага алоҳида ёндашув асосида иш кўрилади. Марказлар фаолиятига маҳаллабай тизимни жорий этиш ҳамда уни ривожлантиришда ҳам маҳалла раисларининг ўрни ва аҳамияти катта бўлади. Улар энди ўз ҳудудидаги муаммолар бўйича мутасадди раҳбарлар олдига аниқ таклиф ва талаблар қўяди. Билдирилган муаммоларнинг ечими бўйича жон куйдиради, ислоҳотлар марказида туриб, давлат ва халқ ўртасида жонли мулоқот кўпригини барпо этади.

Ҳуқуқий маслаҳат марказларини ташкил этиш лойиҳаси ишлаб чиқилишидан аввал федерация томонидан "Истеъмолчилар уйи" ҳамда "Истеъмолчи кутубхонаси" лойиҳаси ишлаб чиқилган эди. Бу бўйича ишлар шу кунгача анча жонланди. Айни пайтда жамиятда китобхонлик маданиятини юксалтириш, Президентимиз илгари сурган "Беш муҳим ташаббус"ни ҳаётга изчил татбиқ этиш учун қатор хайрли ишлар амалга ошириляпти.

Шу кунга қадар лойиҳа доирасида Олтиариқ, Қизилтепа, Риштон, Бағдод, Фарғона, Марғилон, Избоскан, Тўрақўрғон, Косон, Деҳқонобод, Сариосиё, Узун, Бойсун, Олот каби туман ва шаҳарларда барча қулайликларга эга, кўркам ва шинам йигирмата мажмуа бунёд этилди. Яна саксон битта туман ва шаҳарда қурилиш ишлари олиб борилмоқда. "Истеъмолчилар уйи" маъмурий комплексидан жой олган "Истеъмолчи қабулхонаси"да истеъмолчиларнинг ариза ва мурожаатлари қабул қилиняпти. Мурожаатларнинг аксари ўша вақтнинг ўзида ҳал этилаётир. Ҳуқуқий маслаҳат маркази бундан фарқли ўлароқ, истеъмолчилардан келиб тушган мурожаатларни маҳаллабай кесимида ўрганиб чиқиш ва ҳал этишга хизмат қилади. Марказда аҳоли муаммоларини тизимли ўрганиш ва уларни аниқ ҳал этиш бўйича давлат ҳамда хўжалик бошқаруви органлари билан ҳамкорликда ишлашнинг янгича тизими йўлга қўйилади. Фуқароларнинг савдо-сотиқ, газ, электр, сув таъминоти, коммунал хўжалиги, экология, қурилиш, кадастр, бандлик, ижтимоий хизматлар, соғлиқни сақлаш, таълим, хизмат кўрсатиш, транспорт ва бошқа соҳаларга оид мурожаатлари маҳаллабай кўриб чиқилади. Ҳуқуқий маслаҳатлар бериш билан бир қаторда мавжуд муаммоларни жойида ҳал этиш чоралари кўрилади.

Ҳуқуқий маслаҳат марказлари икки бўлимли қилиб қурилади. Биринчисида пайнет, суғурта, давлат хизматлари (тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш, фаолиятини вақтинча тўхтатиш, жисмоний шахс — солиқ тўловчининг солиқ ва бошқа идоралардан қарзи бор-йўқлиги ҳақида маълумотнома бериш, солиқ тўловчининг идентификация рақами — СТИРни аниқлаш, жисмоний шахслар учун СТИР олиш ва бошқалар)ни амалга ошириш мумкин. Бунинг учун шу ҳудуддаги компьютер техникасини пухта биладиган икки нафар билимли ёшни белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиб, шароит яратиб берилади.

Лойиҳани молиялаштиришда Қорақалпоғистон Республикаси истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри ҳудудий бирлашмалари ва уларнинг туман (шаҳар) жамиятлари маблағлари, шунингдек, ҳомийлик маблағлари, маҳаллий тадбиркорлар билан ижтимоий шериклик асосида имзоланган (инвестор) шартномаларда белгиланган маблағлар ва бошқа манбалардан фойдаланиш кўзда тутилган.

Бундан ташқари, ҳудудни яхши биладиган, обрў-эътиборга эга шахсни таянч гуруҳ раҳбари этиб тайинласак, у мавжуд муаммо ва мурожаатларни белгиланган тартибда қабул қилиб, расмийлаштириб тааллуқлиги бўйича тегишли давлат назорат органларига юборилишини таъминлайди. Ижросини назоратга олади ҳамда шу ҳудуд фуқароларига тарғибот-ташвиқот тадбирларини ўтказиб, аъзоликка қабул қилиш ишлари билан шуғулланади.

Келгусида мамлакатимизнинг 9 минг 440 та маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида ҳуқуқий маслаҳат марказлари ташкил этилади, ўн тўққиз мингга яқин ишчи ўрни очилади.

**"Янги Ўзбекистон" мухбири Хайриддинмурод АБУЛФАЙЗОВ ёзиб олди.**

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ МАФКУРАСИ: ЭЗГУЛИК, ОДАМИЙЛИК, ГУМАНИЗМ





**Сўнгги 4 йил — 2016-2020 йилларни ўз ичига олган давр илмий ва эксперт доиралар томонидан Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичи деб аталмоқда. Ушбу қисқа вақт ичида Ўзбекистонда турли соҳаларда амалга оширилган ислоҳотлар давлат ва жамиятнинг жадал ривожланишига эришиш, халқ фаровонлиги ва осойишталигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосини яратиш, уларнинг изчиллигига эришиш мақсадида 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси қабул қилинди.**

**Ҳаракатлар стратегиясининг бешинчи йўналишида диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Бу борада республикада амалга оширилаётган ишлар жамиятимиздаги ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат муҳитини янада мустаҳкамламоқда.**

## ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ДИНИЙ-МАЪРИФИЙ СОҲАДАГИ ИСЛОҲОТЛАР МУСУЛМОН ДУНЁСИНИНГ ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

***Шаҳзод ИСЛОМОВ,
исломшунос, тарих фанлари
бўйича фалсафа доктори***

Бугун 34,5 миллионлик Ўзбекистон аҳолисини 130 дан ошиқ турли миллат, 16 та диний конфессия вакиллари ташкил қилади. Уларнинг миллий ўзлигини сақлаш ва ривожлантириш, эътиқод эркинлигини таъминлашга оид ҳуқуқлари Конституция ва қонунлар асосида қатъий кафолатланган.

Ўтган қисқа вақт давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштиришга қаратилган муҳим ташаббуслар илгари сурилди.

**Биринчидан,** 2016 йилнинг 18 октябрида Тошкентда Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгаши 43-сессияси йиғилишида Ўзбекистон Президенти томонидан Самарқандда Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш ташаббуси илгари сурилди.

Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази қисқа вақт ичида Миср, Туркия, Малайзия, Буюк Британия, Франция, Германиядаги халқаро ислом марказлари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиб, биргаликда йирик илмий лойиҳаларни амалга оширмоқда.

Уч йиллик фаолияти давомида Марказ томонидан буюк алломаларимизнинг 30 га яқин асари таржима қилинди. Хорижнинг етакчи экспертлари, исломшунос олимлари Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказининг ўрта асрларга оид илмий меросни ўрганишдаги фаолиятини жаҳоннинг нуфузли марказлари даражасида эканини эътироф этдилар.

Яқинда Марказ олимлари томонидан Имом Мотуридийнинг дунёга машҳур "Таъвилот ал-Қуръон" китоби илк марта ўзбек тилига таржима қилинди. Ҳеч муболағасиз, ушбу ноёб асар Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 1 100 йилдан сўнг халқимизга ўз она тилида қайтариб берилди.

Ўзининг бебаҳо асарлари билан ислом дини ривожига буюк ҳисса қўшган Имом Бухорий, Имом Термизий, Маҳмуд Замахшарий, Бурҳониддин Марғиноний каби алломаларимиз асарларини ўрганиш, тадқиқ этиш, ўзбек тилида уларнинг таржима ва шарҳларини, танқидий матнларини тайёрлаш — бу осон эмас ва ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Бунинг учун чуқур билим ва катта тажриба, сабр ва тоқат керак. Энг муҳими, Аллоҳ берган истеъдод, нозик дид ва фаросат бўлиши зарур.

Игна билан қудуқ қазишдек бундай оғир меҳнатнинг барча заҳмат ва машаққатини бошидан ўтказган одамгина билади, тушунади. Бундан неча асрлар илгари ёзилган, дунёнинг турли мамлакатларида сақлаб келинаётган қадимий китобларни бугунги кун талаби даражасида тайёрлаш — жуда мураккаб жараён. Ўзбекистон Президенти ана шундай савобли амалга кўз нури, ақл-заковати, бутун умрини сарф этаётган олим ва тадқиқотчиларимиз, диний соҳа ходимларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга муносиб меҳнат шароити яратиб беришга катта эътибор қаратмоқдалар.

**Иккинчидан,** Ўзбекистон Республикаси Президенти 2017 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида иштирок этиб, халқаро майдонда ислом динига нисбатан кузатилаётган бир ёқлама салбий муносабатга нисбатан ўзининг қатъий позициясини мухтасар ифода қилиб, жумладан шундай деди: **"Биз муқаддас динимизни зўравонлик ва қон тўкиш билан бир қаторга қўядиганларни қатъий қоралаймиз ва улар билан ҳеч қачон муроса қила олмаймиз. Ислом дини бизни эзгулик ва тинчликка, асл инсоний фазилатларни асраб-авайлашга даъват этади".**

Бирлашган Миллатлар Ташкилотида Ўзбекистон раҳбари жаҳон ҳамжамиятига Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказини ташкил этиш лойиҳаси ҳақида сўзлади.

Ислом цивилизацияси маркази ўз ғояси ва аҳамиятига кўра бетакрор лойиҳа бўлиб, ислом динининг илмий-маънавий бойлиги, бунёдкорлик салоҳиятини намойиш этишга қаратилган.

Ўтган йиллар давомида Ўзбекистон Президенти Ислом цивилизацияси маркази



биносининг қурилиш майдонига бир неча бор ташриф буюриб, унинг аҳамияти, халқимиз, хусусан, ёшларимизни инсониятнинг эзгу ғоялари руҳида тарбиялашдаги ўрни ҳақида муҳим таклиф ва ташаббусларни билдирдилар.

Шунингдек, Ўзбекистон раҳбари ташаббуси билан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси ялпи мажлисида "Маърифат ва диний бағрикенглик тўғрисида"ги махсус резолюция қабул қилинди. Резолюция Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо 100 дан ошиқ давлатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Ушбу резолюция бағрикенглик ва ўзаро ҳурматни қарор топтириш, диний эркинликни таъминлаш, эътиқод қилувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг камситилишига йўл қўймаслик бўйича саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлайди.

**Учинчидан,** бугунги мураккаб ва таҳликали даврда замонавий таҳдидларга қарши тура оладиган, чуқур билим ва кенг дунёқарашга эга, диний фанларни пухта ўзлаштирган мутахассисларни тайёрлаш вазифаси долзарб аҳамият касб этмоқда. Ана шу мақсадда 2018 йилда Ўзбекистон халқаро ислом академияси таъсис этилди.

Буюк аллома аждодларимизнинг ислом илм-фани ва маданияти ривожига қўшган ҳиссасини тадқиқ этиш, ёшларни юксак одоб, маърифат ва бунёдкорлик ғоялари асосида тарбиялаш ушбу таълим масканининг асосий мақсадларидан ҳисобланади.

Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Доримийдек буюк аждодларимиз асос солган ҳадис мактаблари фаолиятини қайта тиклаш ва ривожлантириш, улар қолдирган бой илмий меросни ўрганиш мақсадида **Самарқандда Ҳадис илми мактаби ташкил этилди.**

Энг замонавий жиҳозлар, педагогик технологиялар билан таъминланган ушбу таълим муассасасига дунёнинг машҳур Ал-Азҳар университетидан профессор-ўқитувчилар жалб этилди. Араб-мусулмон мамлакатларидан 1 000 номда 8 тонна ҳажмдаги энг сўнгги ўқув адабиётлари, илмий манбалар олиб келинди.

Бухоро вилоятидаги машҳур диний таълим муассасасининг мусулмон дунёсидаги ўрни ва нуфузи, диний ходимлар тайёрлашдаги аҳамиятини эътиборга олиб, Мир Араб олий мадрасаси ташкил этилди. Қайд этиш керакки, Мир Араб мадрасаси ўз фаолияти давомида нафақат мамлакатимиз, балки Марказий Осиё давлатлари учун ҳам диний ва дунёвий билимларни пухта ўзлаштирган кадрларни етиштириб чиқарган. Бугун Россия, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон каби давлатлардаги нуфузли уламолар айнан Мир Араб мадрасасининг битирувчилари ҳисобланади.

Шунингдек, табаррук Термиз заминида буюк муҳаддис Имом Термизий номи билан аталадиган халқаро илмий-тадқиқот маркази, диний таълим муассасаси фаолият бошлади. Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази томонидан Имом Термизий, Ҳаким Термизий ва бошқа термизий алломаларнинг 14 та асари ўзбек тилига таржима қилиниб, чоп этилди.

Мусулмонлар эътиқодини тўғриловчи, уларни ҳидоят йўлига бошловчи аллома Имом Мотуридий илмий меросининг бугунги кундаги долзарб аҳамиятини эътиборга олиб, Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази ташкил қилинди.

Ушбу марказлар халқимизга ислом динининг асл таълимотларини етказишга хизмат қилмоқда. Ёшларимизнинг ёт оқимлар таъсирига тушишининг олдини олиш, уларни илм-фанга рағбатлантириш, юксак ахлоқий қадриятлар асосида тарбиялашда "Жаҳолатга қарши маърифат" эзгу ғояси асосида фаолият юритувчи ушбу муассасалар ўта муҳим аҳамиятга эга.

**Тўртинчидан,** Ўзбекистонда диний соҳа ходимлари, жумладан, имом-хатибларнинг жамиятда аҳиллик ва барқарорликни мустаҳкамлашдаги ўрнига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зиёратгоҳлар, масжидлар, диний таълим муассасаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида **"Вақф"** хайрия жамоат фонди ташкил этилди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуслари билан дину диёнатимиз, улуғ алломаларимизга ҳурмат рамзи сифатида Тошкент шаҳрида "Имом Термизий", "Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф", "Сузук ота" масжид-мажмуалари, Наманганда Султон Увайс Қараний зиёратгоҳи, Бухорода Баҳоуддин Нақшбанд ва етти пир зиёратгоҳлари, Шерободда Имом Термизий зиёратгоҳи, Урганчда "Охун бобо" масжиди, Хивада Паҳлавон Маҳмуд зиёратгоҳи, Нукусда "Имом эшон Муҳаммад" масжиди ва яна кўплаб табаррук манзилларда кенг кўламли қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Қисқа муддатда бу масканлар ғоят гўзал ва улуғвор қиёфа касб этди.

Айниқса, бундан минг йил олдин диний эътиқод масаласида ёзган асарлари билан адашганларга тўғри йўл кўрсатган Абу Муин Насафий бобомизнинг зиёратгоҳи тубдан таъмирланиб, ҳар томонлама обод қилинди. Буюк алломанинг "Табсиратул адилла" номли китоби ўзбек тилида нашр этилди. Бу асар билан танишган одам турли сохта ва зарарли оқимларнинг моҳиятини англаб етади.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда **имом-хатибларнинг билим ва касбий малакасини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда.** Шу мақсадда, Халқаро ислом академиясининг Малака ошириш маркази ва унинг 4 та ҳудудий филиали фаолияти йўлга қўйилди. Унда ҳар йили юзлаб имом-хатиблар бугунги воқелик талабларидан келиб чиқиб, билим ва кўникмаларини оширмоқдалар.

**Бешинчидан,** Мовароуннаҳр — ҳозирги Ўзбекистон илм-фан ва маданиятининг тарихий маркази ҳисобланади. Муҳаммад Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Аҳмад Фарғоний, Ибн Сино, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Маҳмуд Замахшарий, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий каби алломалар, буюк мутафаккирлар ўз даврида Мовароуннаҳрда Биринчи ва Иккинчи Ренессанс даврини бошлаб берган бўлса, Янги Ўзбекистонда ушбу буюк сиймолар номи билан ташкил этилган марказлар, таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари Учинчи Ренессансга илмий пойдевор бўлиши ният қилинди.

Ушбу соҳадаги ислоҳотларнинг яна бир муҳим мақсади — Ўзбекистоннинг инсоният цивилизациясига қўшган буюк ҳиссасини тарғиб қилиш орқали ёшларни маърифатга рағбатлантириш, инновацион ривожланишнинг бой миллий меросга асосланган янги тараққиётига йўл очиш ҳисобланади.

**Олтинчидан,** турли ёт оқимлар таъсирига берилиб, қилган ишидан пушаймон бўлган **20 минг**дан зиёд фуқаролар реабилитация қилинди, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ҳаётда ўз ўрнини топишига ёрдам берилмоқда.

Қилган хатосини англаб етган ва тузалиш йўлига кирган шахсларнинг оиласи бағрига, тинч ҳаётга қайтишига имконият яратилди.

Ўзбекистон раҳбариятининг кечиримлилик ва юксак инсонпарварлик сиёсатининг амалдаги инъикосини Сурия ва Ироқдан юртимизга қайтарилган фуқароларимиз мисолида ҳам англаб етиш мумкин. "Меҳр", "Меҳр-2", "Меҳр-3" операциялари натижасида 317 нафар аёллар ҳамда болалар уруш ўчоқларидан тинчлик ва фаровонлик ўлкаси бўлмиш Ўзбекистонга қайтарилди.

Таъкидлаш керакки, бугунги кунда мусулмон дунёсининг ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш, олдимизда турган муаммоларга ечим топиш ва ислом умматининг бирдамлигини мустаҳкамлашда мусулмон мамлакатларининг имконият ва салоҳиятини сафарбар этиш ғоят муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу маънода, биз Ўзбекистондаги ислом илмий-тадқиқот марказлари томонидан дунёнинг етакчи исломшунослик марказлари билан ҳамкорликда буюк алломаларимизнинг илмий меросига бағишланган халқаро конференциялар ўтказилмоқда.

Хусусан, 2020 йилнинг 3-4 март кунлари Самарқанд шаҳрида "Имом Мотуридий ва мотуридия таълимоти: ўтмиш ва бугун" мавзусидаги халқаро конференция юқори савияда ташкил этилди.

Конференцияда дунёнинг 15 мамлакатидан 55 нафар таниқли уламолар, муфтийлар, мотуридийшунос экспертлар, 100 нафар маҳаллий олим ва тадқиқотчилар қатнашди. Жумладан, Миср Бош имоми, Ал-Азҳар мажмуаси шайхи Аҳмад Таййиб бошчилигидаги 19 нафар мисрлик нуфузли диний арбобларнинг иштироки конференциянинг халқаро мақомини янада оширди.

Аҳмад Таййиб конференциянинг юқори савияда ташкил қилингани, юксак даражада эътибор кўрсатилгани ҳамда "Самарқанд шаҳрининг фахрий фуқароси" мақомига муносиб кўрилгани учун Ўзбекистон Президентига чуқур миннатдорлигини билдирди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, сўнгги 4 йилда мамлакатимизда кенг кўлам ва юксак аҳамият касб этган диний-маърифий йўналишдаги ислоҳотлар Ўзбекистоннинг мусулмон дунёсида ислом цивилизацияси маркази сифатида эътироф этилишининг муҳим омили бўлмоқда.



**Бугунги кунда мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичида илм-фан, маънавият ва маърифат соҳасини замонавий мезонлар билан ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жорий йил 19 январь куни маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида Президентимиз миллий тарихни миллий руҳ билан яратишимиз, акс ҳолда унинг тарбиявий таъсири бўлмаслигини айтди. Ёшларимизни тарихдан сабоқ олиш, хулоса чиқаришга ўргатишимиз, уларни тарих илми, тарихий тафаккур билан қуроллантиришимиз зарурлигини алоҳида таъкидлади.**

## КЎНГИЛ ИШИ, РУҲ ОЗИҒИ



***Насиба ИБОДОВА,
"Маърифат"
тарғиботчилар жамияти
Бухоро вилояти ҳудудий
бўлими бош мутахассиси***

Ҳақиқатан ҳам маънавият — серқирра тушунча. У инсон ҳаётий фаолиятининг барча қирраларини, унинг яққол кўзга ташланувчи зоҳирий ва яширин, ички руҳий — ботиний томонларини ҳам қамраб олади. Буюк яратувчи инсонни эт ва суякдан яратган экан, унга руҳ аталмиш илоҳий неъматни бахш этди. Ана шу илоҳий неъматни бойитиш эса инсон қўлида. Агар руҳига маънавий озуқа берилмаса, унинг жонли жисмдан фарқи қолмайди. Умуман олганда, руҳият билан боғлиқ гўзал ҳис-туйғулар ҳаммаси маънавиятдир.

Аждодларимиз ташбеҳига кўра, маънавият инсон қалбида акс этган илоҳий нур, олий ҳақиқат нури бўлиб, уни ўзида акс эттира олиши учун инсон қалби сайқал топмоғи зарур. Аввало, сайқалланмаган кўнгилни худбинлик занги, ғараз чирки эгаллаб олади ва бундай инсон руҳиятида жаҳолат ва зулмат устунлик қила бошлайди. Айни шу инсон қалбига сайқал бериш жараёни — маърифат дейилади. Маърифат маънавият сари элтувчи йўллардан иборат бўлиб, Алишер Навоийнинг "Лисон ут-тайр" асарида таърифланишича, "маърифат водийси" — "шундай бир водийдирки, уни юз туман, минг турли йўллар кесиб ўтади, аммо улардан бири иккинчисига сира ўхшамайди... Унда сен юз туман йўловчини беқарор бир тарзда, ҳар бири ўзга бир йўлдан кетиб бораётган ҳолда кўрасан. Уларнинг ҳар бири ўзи кетаётган йўл билан фахрланади, ҳар бири йўлни ўз йўли томонга буради. Бири хуш тутган йўлни иккинчиси хоҳламайди, ҳар бирининг кўзига ўзиники яхши кўринади, бошқасини эса назарга илмайди".

Маърифат маънавий камолот йўли, инсоннинг кўнгил кўзгусини сайқаллаш жараёни, яъни ҳар бир инсоннинг бутун онгли ҳаёти давомида ўзлигини англаш, ўзининг борлиқ ҳақиқатига нисбатини аниқлаш ва ўз руҳини борлиқ ҳақиқати билан уйғунлаштириб бориш йўлидаги ҳаракати, дея сабоқ берганди устозларим.

Болаликдан ўқиб, кўриб, эшитиб ўсганларимиз, жажжи юрагимизга муҳрланган эртакларимиз орқали тасвирланган — ота уйда бўлса томга чиқмаслик, дастурхонга ёши улуғлардан олдин қўл узатмаслик, катталарга салом ва жой бериш... каби оддийгина кўринган ҳақиқатлар маънавиятимиз илдизлари аллақачон ер қаъридаги уммонлардан сув ичаётганидан дарак эмасми? Ёки ўша "Ўткан кунлар"да ифода этилиб, фильм орқали онгу шууримизга сингиб кетган Кумушбибининг ўлим олдидан қайнотаси кирганда жонсарак ҳолда ўрнидан туришга ҳаракат қилиши — маънавиятимизнинг бир бўлаги эмасми? Бундай мисолларни маънавиятимиз дарғаларидан, маърифатимиз устунларидан кўплаб келтиришимиз мумкин.

Президентимизнинг 2019 йил 3 майдаги "Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори асосида "Маърифат" тарғиботчилар жамияти ташкил этилган эди. Ўтган қисқа вақт мобайнида жамият аъзолари республикамизда маънавий-маърифий тарғибот ишларини ривожлантиришга ҳисса қўшиб келмоқдалар. Видеоселектор йиғилишида муҳокама қилинган масалалар ва берилган топшириқлар "Маърифат" тарғиботчилар жамияти аъзолари зиммасига ҳам катта масъулият ва вазифа юклади. Маънавият ва маърифат фидойилари — жамият аъзолари бир ёқадан бош чиқариб, маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, ушбу соҳани сифат ва мазмун жиҳатдан янги босқичга кўтариш учун янада меҳнат қилишларига ишонаман. Зеро, йиғилишда Президентимиз таъкидлаганидек, "Агар кимдир, маънавият масаласи — бу фақат Маънавият ва маърифат маркази ёки тегишли вазирлик ва идораларнинг иши, деб ўйласа, хато қилади. Буларнинг барчаси олдимизда турган энг асосий, энг муҳим вазифалардан биридир".

Шундай экан, барча корхона, ташкилот, идора ва муассасаларда фаолият юритаётган маънавият ва маърифат фидойилари ушбу шарафли ва масъулиятли вазифани биргаликда елкага ортиб, мақсадли ва намунали тарзда адо этмоғи зарур.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: **Салим ДОНИЁРОВ**

"Янги Ўзбекистон" газетаси учун масъул:
бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари
**Бахтиёр Абдусатторов**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "KOLORPAK" МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** — 570.
11950 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Бахоси келишилган нархда.

"KOLORPAK" МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Рисолат Мадиева
Мусаҳҳиҳ: Асолат Аҳмадқулова
Дизайнер: Зафар Бакиров

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎзА якуни — 00:52 Топширилди — 01:00

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: yuz-gazetasi@mail.ru